Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши, № 97 (13.657). 25 АПРЕЛЬ, 1967 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин.

КУЧЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРИБ ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДАГИ КУРАШНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

(КАРЛОВА ВАРИДА ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШГАН КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ МУРОЖААТИ)

Америкадан бир неча минг километр нарида ярим миллион солдат ҚАШ ҳукуматининг буйруғи билан Вьетнамдаги эркакларни, хотин-қизларни ва болаларни ўлдирмоқда, тинч яшашни ва ўзгаларнинг аралашувига йўл қўймай ўз ватанини бунёд этишни истаётган ва шу сабабли ўз озодлиги учун, ажнабий босқинчиларни ҳайдаб юбориш учун мардона курашаётган қаҳрамон халқни тиз чўктиришга уринмоқда. Кўп авлодлар меҳнатининг самаралари вахшийлик билан яксон қилинмоқда. Америка Қўшма Штатларининг замонавий ҳарбий техникаси Вьетнамнинг шимоли ва жанубидаги шаҳар ва қишлоқларни харобазорларга айлантирмоқда. Жаҳон сурбетларча қилинаётган агрессия кенгайиб бораётганлигининг шоҳиди бўлиб қолди. Инсон ҳуқуқлари мислсиз шафқатсизлик билан поймол этилмоқда. Америка империалистлари Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларни 10 йиллдан ортиқ вақтдан буён ҳамиша бузиб келмоқдалар, бу мамлакатнинг ички ишларига аралашмоқдалар, Вьетнамдаги уруш учун оғир жавобгарлик ҚАШ ҳукумати зиммасига юкланади. Вьетнам Демократик Республикасининг бомбардимон қилишларни ва ВДРга қарши бошқа уруш ҳаракатларини сўзсиз, узил-кесил тўхтатиш тўғрисидаги таклифларни (бу таклифлар амалга оширилганида музокаралар олиб бориш имконияти туғилган бўлур эди) ҚАШ ҳукуматининг қабул қилишдан бош тортганлиги Вьетнам масаласини ҳар кандай қилиб бўлса ҳам қурол кучи билан ҳал этиш ва Шарқи-Жанубий Осиёда ҚАШнинг ҳарбий ҳамда сиёсий таъсирини мустаҳкамлашга эришиш йўлидан авантюристларча ҳаракат қилаётганлигини очиқ равшан исбот этади.

Америка империализми миллий озодлик ҳаракатини бостиришга, халқларни ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ва ўз орзу-тилакларига муносиб бўлган тараққиёт йўлини танлаб олишдан иборат ҳуқуқдан маҳрум этишга интилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда уруш давом эттирилмоқда. Бу уруш Вьетнам халқига нисбатан кун сайин шиддатли тус олмоқда ва бутун дунёда тинчликка тобора катта хавф туғдирмоқда. Урушнинг давом эттирилаётганлиги ва агрессив ҳаракатларнинг кучайтирилаётганлиги ҚАШ ҳукуматининг Вьетнам проблемасини ҳал этиш учун музокаралар олиб боришга тайёр эканлиги ҳақидаги гаплари соҳта ва ниёнткорликдан иборат эканлигини тамомила фош қилиб ташлайди. Вьетнам халкининг вакиллари бунинг аксича, мамлакатнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, мамлакат аҳолисининг ҳавфсизлигини таъминлаш ўлари учун ва Вьетнамнинг бутун халқи учун асосий иш эканлигини ўзларининг бутун ҳатти-ҳаракатлари билан исбот қилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамда олиб бораётган уруши, Лаос ва Камбоджага қарши қилинаётган ҳаракатлар америка империализмининг агрессив сиёсати разилона эканлигини ифода этади. Бу сиёсат халқаро ҳуқуққа ва халқаро халқларнинг озодлик ва мустақилликка эришишлари юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ёзилган энг асосий ҳуқуқларини очиқдан-очиқ бузишдан бошқа бир нарса эмас.

Биз, Карлова Варидаги конференциянинг қатнашчилари америка империализмининг Вьетнамдаги агрессив урушини қатъиян қоралаб, Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашидан қойил қолганлигимизни билдирамиз ва вьетнам халқининг шонли ўғил ва қизларини табриклаймиз.

Вьетнам халқи агрессорларга фидокорона қаршилик кўрсатиб, халқларнинг озодлиги ва бутун дунёда тинчлик ишига ҳисса қўшмоқда. Биз Вьетнам Демократик Рееспубликаси ҳукуматининг тўрт моддасида ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти баёнотининг беш моддасида баён қилинган маълум таклифларни тўла равишда қўллаб-қувватлаймиз ва бу таклифлар 1954 йилда Женевада тузилган битимларнинг принципларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Вьетнам масаласини ҳал этиш учун ҳаққоний асос вужудга келтиради деб ҳисоблаймиз.

Биз америка империализмининг агрессив сиёсатини яккалаб қўйиш ва мағлубиятга учратишга актив ёрдам бериш, барча чет эл қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетишга эришиш ҳамда вьетнам халқига ўз ички ишларини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини бериш учун актив ёрдам кўрсатишга қатъий қарор берганлигимизни билдирамиз. Европада, жаҳоннинг барча мамлакатларида, шу жумладан Қўшма Штатларда ҳам Вьетнамга ёрдам бериш ва ҚАШнинг агрессиясига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Социализм мамлакатларининг вьетнам халқига сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдами ошиб бормоқда. Биз оммавий сиёсий кампаниялар ўтказиш, пул ва медицина материалларини тўплаш билан ва Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати илтимос қилган тақдирда кўнгиллилар юбориш йўли билан қаҳрамон вьетнам халқига унинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган ҳаққоний курашида тобора кўпроқ ёрдам беришга қатъий бел боғлаганлигимизни билдирамиз.

Биз меҳнаткашларга, Европанинг барча халқларига, сиёсий партияларга, айниқса социал-демократик, социалистик ва католик партияларига, барча диндорларга, тинчлик ва озодликни қадрлаётган барча кишиларга мурожаат қилиб Американинг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишларини ва вьетнам халқига қарши қаратилган бошқа агрессия ҳуружларини сўзсиз тўхтатиш йўлидаги курашни кенг авж олдиришга чақирамиз.

Биз уруш қарши бўлган барча кучларни, уларнинг сиёсий ва ғоявий эътиқодлари қандай бўлишидан қатъий назар Американинг Вьетнамдаги урушини тўхтатиш йўлида биргаликда қилинадиган ҳаракатларни янада кенг авж олдиришга ва бу билан халқлар ўртасидаги тинч муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда Вьетнам можаросининг янги жаҳон урушига айланишининг олдини олишга ёрдам беришга чақирамиз.

Европанинг барча демократик кучлари, барча халқлари биргалашиб ҳаракат қилсинлар ва қаҳрамон вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш йўлидаги курашни кучайтирсинлар!

КАРЛОВА ВАРИДА КОНФЕРЕНЦИЯ ОЧИЛДИ

КАРЛОВА ВАРИ, 24 апрель. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Карлова Варида Европада хавфсизлик масалалари юзасидан Европадаги Коммунистик ва Ишчи партияларнинг конференцияси очилди. Конференцияни Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Новотний кириш нутқи сўзлаб очди. У Чехословакия Коммунистик партияси номидан қардош Коммунистик ва Ишчи партиялар вакилларини қизғин табриклади. А. Новотний конференцияда қуйидаги партияларнинг делегатлари қатнашаётганлигини маълум қилди:

Бельгия Коммунистик партияси,

Болгария Коммунистик партияси,

Чехословакия Коммунистик партияси,

Дания Коммунистик партияси,

Финляндия Коммунистик партияси,

Франция Коммунистик партияси,

Шимолий Ирландия Коммунистик партияси,

Ирландия Ишчи партияси,

Италия Коммунистик партияси,

КИПР Меҳнаткаш халқ прогрессив партияси,

Люксембург Коммунистик партияси,

Венгрия Социалистик Ишчи партияси,

Германия Бирлашган социалистик партияси,

Германия Коммунистик партияси.

Германия Бирлашган социалистик партияси — Ғарбий Берлин,

Польша Бирлашган ишчи партияси,

Португалия Коммунистик партияси,

Австрия Коммунистик партияси,

Греция Коммунистик партияси,

Сан-Марино Коммунистик партияси,

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси,

Испания Коммунистик партияси,

Швейцария Меҳнат партияси,

Буюк Британия Коммунистик партияси,

Швеция Коммунистик партияси делегация юбормади. лекин у ўз вакилини юборди. Бу вакил конференцияда иштирок қилади.

А. Новотний айтдики, Албания Меҳнат партияси ва Нидерландлар Коммунистик партияси конференцияга қатнашиш ҳақидаги таклифномани қабул қилмадилар. Ғарчи бир қанча музокаралар олиб борилган бўлса ҳам, Югославия Коммунистлар союзи, Руминия Коммунистик партияси, Норвегия Коммунистик партияси ҳамда Исландия Бирлашган социалистик партияси конференцияда қатнашмаяпти, деди. у.

Новотний конференциянинг аҳамияти тўғрисида гапириб, бундай деди: биз тўпланган конференция халқаро коммунистик ҳаракат учун катта аҳамиятга эгадир. Бу конференция бутун дунёда ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг умумий манфаатлари учун курашаётган ва бизнинг ҳаракатимизга хос бўлган актив ижодий интернационализмга ҳақиқатан ҳам амал қилаётган революцион кучларнинг бирлигига эришишга қўшилган амалий хиссадир.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А Новотний ўз нутқининг охирида конференция иштирокчиларига муваффақиятлар ва самарали ишлар тилади.

Конференция қатнашчилари процедура масалаларини муҳокама қилдилар, комиссиянинг кун тартибини ва ишлаш тартибини тасдиқладилар ҳамда конференциянинг ишловчи органларини туздилар.

Бугунги мажлисда ранслик қилувчи Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка Вьетнам халқининг кураши муносабати билан коммунистик ва ишчи партияларнинг Мурожаатини қабул қилишни таклиф этди. Конференция бу Мурожаатни бир овоздан қабул қилди. Греciядаги ҳарбий тўнтариш тўғрисида баёнот ҳам қабул қилинди.

Шундан сўнг умумий музокаралар бошланди Музокаларда Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Вальдек Роше сўзга чиқди. Сўнгра Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга сўз берилди. Эрталабки мажлиснинг охирида Австрия Коммунистик партиясининг раиси Ф. Мури сўзга чиқди.

ЕВРОПА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОШЛИҒИ

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Конференция қатнашчиларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кўп миллионли совет коммунистлари армиясининг қардошлик саломини топширишга ижозат бергайсиз. Сизлар орқали биз Европа коммунистларини, ишчилар синфини, меҳнаткашларнини, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча европалик курашчиларни табриклаймиз.

Бизнинг партиямиз делегацияси Польша Бирлашган ишчи партиясининг Марказий Комитетига ва Франция Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига конференциямизни тайёрлаш борасида қилган катта ва самарали ишлари учун ўзининг самимий ташаккурини изҳор қилади.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига бизларни меҳмондўстлик билан яхши кутиб олганлиги учун ва конференциянинг ишига яхши шароит яратиб берганлиги учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Бу конференциямиз Ғарбий Европа Компартиялари Вена кенгашининг ташаббуси билан чақирилди. КПСС Марказий Комитети бу ташаббусни аввал бошданоқ қувватлаб келди. Европанинг капиталистик қисмидаги ўртоқларимизнинг фикрини жуда яхши тушуниб турибмиз: қитъамизда хавфсизлик проблемасини ҳал қилмоқ учун социалистик давлатларнинг куч ва ғайратини Ғарбий Европа мамлакатларидаги барча тинчликсевар кучларнинг актив ҳаракатлари билан бирга қўшиш зарур. Шу сабабли кўчилар синфининг активлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик.

Европа хавфсизлиги — фақат ҳукуматларнинггина иши эмас. Бу проблемани ҳал қилишда тинчлик учун, империализмнинг агрессив кучларига ва уларнинг янги уруш тайёрлаш сиёсатига қарши тинимсиз курашаётган кенг халқ оммаси ишчилар синфи, прогрессив кучларнинг роли жуда катта. Шу сабабли конференциямизда қатнашаётган Коммунистик партияларнинг ташаббуси Европа хавфсизлиги йўлида курашаётган барча сиёсий кучларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин ва лозим, деб бу ерда айтилган фикрга қўшиламиз. Бу эса Коммунистик партияларнинг вазифаларига ва ҳозир улар Европанинг сиёсий турмушида ўйнаётган роларига тўла равишда мос бўлиб тушади.

1. ЖАҲОНДАГИ ВАЗИЯТ ВА ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН КУРАШ

Ўртоқлар! Конференция кун тартибида турган масалаларнинг моҳиятига ўтиб, аввало шуни таъкидламоқчимизки, бизнинг партиямиз Европада тинчликни мустаҳкамлашни халқларнинг империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун жаҳон миқёсида олиб борилаётган курашидан ажралган бир нарса деб қараётгани йўқ. Ҳозирги замонда жаҳоннинг бирор районидаги аҳволни халқаро ривожланишнинг умумий жараёнлари билан боғланмаган ҳолда олиб қараш умуман мумкин эмас. Бинобарин, Европадаги аҳвол ҳам бутун халқаро вазият билан чамбарчас боғланган.

Коммунистлар 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашларида жаҳоннинг ҳозирги вақтдаги ривожланишидаги асосий тенденциялар тўғрисида муҳим хулосалар чиқарган эдилар. Ўтган давр шу хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Халқаро вазиятга шунчаки баҳо бериш, деган ният бизда йўқ. Биз шу нарсани дадил қайд қилмоқдамизки, Москва кенгашларидан кейин ўтган йиллар мобайнида революцион ҳаракат отрядлари янги позицияларга чиқиб олди ва улар тарчи, эҳтимол ҳаммамиз хоҳлаганимиздек, тез қадам ташлаб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда олга боришни давом эттирмоқдалар. Жаҳон социалистик революцияси мураккаб жараён бўлиб, бу жараённа қаттиқ кураш давом этади, айрим боскичларда қийинчиликлар ҳам пайдо бўлиб туради.

Социалистик системада муҳим позитив процесслар рўй бермоқда. Социализм мамлакатларининг кўпчилиги социализмнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланишга, социалистик экономиканы ривожлантириш қонуниятларини тўлиқроқ эгаллаб олишга интилиб, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш формалари ва методларида чуқур ўзгаришлар қилмоқда. Социализм мамлакатларининг Коммунистик партиялари социалистик демократияни такомиллаштиришга, оммаиниг сиёсий активлигини янада ривожлантиришда ижтимоий турмушнинг ҳамма томонларини бошқаришга оммани тортишга тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар. Бу соҳада ҳамма жойда тинимсиз ва мароқли изланишлар олиб борилмоқда. Социалистик давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа ишларидаги ҳамкорлиги такомиллашиб бормоқда, тобора мунтазам ва ҳар томонлама ҳамкорликка айланмоқда. Кўп жиҳатдан бу ҳамкорлик ҳозир янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, жаҳон социалистик системасидаги аҳволга баҳо берар эканмиз, бу системанинг ривожланишида кейинги йилларда рўй берган ана шу жиддий фактни, яъни Хитой раҳбарлигининг ҳаммага яхши маълум позициясини. Хитой Компартияси ва Хитой Халқ Республикаси бошқа қардош партиялар ва социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни бузаётганлигини четлаб ўта олмаймиз. Бу проблемани муҳокама қилиш кенгашимизнинг кун тартибига киритилмаган бўлса ҳам, аммо, шундай проблема бор ва у коммунистик ҳаракатга ва бутун озодлик ҳаракатига салбий таъсир ўтказмоқда.

Миллий-озодлик ҳаракати тобора кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда. 1960—йилларда Жазоир революцияси ғалаба қилди. Бирлашган Араб Республикасида демократик кучларнинг позицияси мустаҳкамланди, Сурия социал тараққиёт йўлига тушиб олди, «учинчи дунё» деб аталаётган бир қанча мамлакатларда прогрессив социал-иқтисодий ривожланиш учун негиз солинмоқда. Бу йўлда кескин можаролар бўлиб турибдики, буни, жумладан Ганадаги ва Индонезиядаги воқеалар кўрсатмоқда. Табиийдирки, илгариги мустамлакалар ва ярим мустамлакалар давлат мустақиллигини қўлга киритганларидан кейин улардаги реакцион унсурлар империалистларнинг четдан туриб бераётган мададига таяниб, шу давлатларни капиталистик ривожланиш ва халқаро реакция кучлари билан ҳамкорлик қилиш йўлига тортишга уринмоқдалар. Лекин тараққиёт кучлари ва, биринчи навбатда, коммунистлар шунга яраша кўпроқ қатъият ва моҳирлик билан ҳаракат қилишлари лозим.

Латин Америкаси мамлакатларида АҚШ империализмига ва маҳаллий реакцияга қарши революцион ҳаракат тўлқини тобора кенг кўтарилмоқда. Ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатида муҳим силжишлар рўй бермоқда. Коммунистик ва ишчи партияларнинг актив фаолияти натижасида, капитализм ички қонуниятларнинг таъсири натижасида мазкур мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг кенг табақаларида антимонополистик кайфиятлар ўсиб бормоқда. Халқ оммасининг сўлга бурилаётганлиги очиқ кўриниб турибди. Бу эса, ишчилар синфи билан барча прогрессив кучларнинг бирлиги йўлида кураш олиб бориш учун, социализм йўлида кураш олиб бориш учун янги имкониятлар яратиб бермоқда. Ўз-ўзидан маълумки, Ғарбий Европадан келиб, шу конференцияда қатнашаётган ўртоқлар, бу жараёнлар ва проблемаларнинг ҳаммасидан анча яхши хабардор бўлганликлари сабабли биз бошланаётган силжишларни умуман қайд қилиб ўтиш билангина чекланамиз.

Империализмнинг раҳбарлари ўз позициялари занфлашаётганлигини тушуниб турибдилар, империализмга қарама-қарши бўлиб турган революцион отрядларнинг кучини кўриб турибдилар. Ғарб давлатларининг раҳбарлари мана шу янги вазиятда ўзларининг синфий тактикаси ва стратегияларини ҳам миллий жиҳатдан, ҳам халқаро майдонда такомиллаштирмоқ, жаҳон социализмига, революцион ва озодлик ҳаракатига қарши курашнинг янги усуллари ва воситаларини топмоқ учун кейинги йилларда жуда кўп куч сарфламоқдалар. Империалистлар социалистик давлатлар орасини бузишга, озодлик ҳаракатларига нифоқ солишга тобора кўпроқ уринмоқдалар.

АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси ҳозирги вақтда империализмнинг ва унинг асосий кучи бўлган Америка империализмининг йиртқичлик табиатини жуда мудҳиш бир ҳолда кўрсатиб турибди. Америка империалистлари Вьетнамда шармандали ва охири кўринмайдиган уруш олиб бормоқдалар. Улар ўз озодлиги ва мустақиллиги учун 20 йилдан кўпроқ фидокорона жанг қилган халқни асло енга олмайдилар. Вьетнам ватанпарварлари социализм мамлакатларининг ҳар томонлама бераётган ёрдамига ва бутун дунёдаги прогрессив кучларнинг мададига таяниб, интервенциячиларга муваффақиятли равишда қаршилик кўрсатмоқдалар. Бу билан улар бутун Америка империализмининг позицияларига ҳам катта зарба урмоқдалар. Американинг ярим миллионга яқин солдати, катта ҳарбий денгиз флоти ва АҚШ ҳарбий авиацияси Шарқий-Жанубий Осиё районида банд бўлиб қолганлиги учунгина шундай бўлаётгани йўқ. Яна бутун гап шундаки. Вьетнамдаги агрессия АҚШнинг бутун дунёдаги обрўйига ва сиёсий позициясига чуқур путур етказмоқда.

Вьетнамдаги агрессия миллион-миллион кишиларни АҚШга қарши қилиб қўйди. Бу агрессия Осиё халкларининг онгида Америка интервенциячиларига нисбатан нафратни тобора кўпайтирмоқда. Бу шундай факторки, АҚШ раҳбарлари узоқ йиллар давомида бу факторга дуч кела берадилар Америкаликларнинг Вьетнамдаги жирканч уруши АҚШ иттифоқчилари лагеридаги зиддиятларни ҳам кучайтириб юборди, шу иттифоқчиларнинг кўплари АҚШ билан ҳеч бир алоқа қилишни истамайдиган бўлиб қолдилар.

Маълумки, социализм мамлакатлари, шу жумладан Совет Иттифоқи жанг қилаётган Вьетнамга сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий мадад бериб, актив ёрдамлашмоқдалар. Албатта шундай бўлиши керак эди. Чунки империалистлар социалистик мамлакатга—Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессия қилмоқдалар.

Сизларни ишонтириб шуни айтиш мумкинки, ўртоқлар, биз совет коммунистлари курашаётган Вьетнамга нисбатан ўзимизнинг интернационал бурчимизни бундан буён ҳам бажара берамиз ва унга зарур ёрдамни кўрсата берамиз.

Вьетнамдаги уруш ҳозирги кунда ялпи тинчлик учун энг жиддий хавф бўлиб турибди. Ҳамма қитъаларда турли синфларга мансуб бўлган турли дин ва маслакдаги бениҳоя жуда кўп кишилар АҚШдан Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатишни, Вьетнамдаги агрессияни тўхтатишни талаб этмоқдалар. Европанинг ўзида ҳам бундай талаб баралла янграмоқда, Америка агрессиясига қарши чиқишлар тобора кўпаймоқда ва қизғин тус олмоқда. Бу участкадаги кураш айни вақтда Европа хавфсизлиги ишига ҳам қўшилаётган муҳим ҳисса деган фикрга ҳаммамиз қўшиламиз деб ўйлайман.

Ниҳоят, Вьетнамдаги воқеалар ҳозирги вазиятда жаҳон коммунистик ҳаракати сафларининг бирлигини мустаҳкамлаш нақадар ҳаётий муҳим вазифа эканлигини бизга қайта ва қайта эслатиб турибди. Шу нарса равшандирки, агар биз Вьетнамни ҳимоя қилишда Хитой билан келишиб ва биргалашиб ҳаракат қилиш имконияти-гига эга бўлганимизда эди, Америка агрессиясига хотима бериш вазифаси анча енгиллашган бўлур эди. Германия Бирлашган социалистик партиясининг яқинда бўлиб ўтган съездида айтган гапимизни бу ерда ҳам такрорлашга ижозат бергайсиз. Курашаётган Вьетнамга ёрдамни планлаштиришда ва амалий ёрдам беришда ҳаракатларимизни Хитой билан бирлаштиришга КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати тайёрдирлар. Биз жуда кенг миқёсда ҳаракатларни мана шундай бирлаштиришга тайёрмиз.

(Давоми иккинчи бетда).

Республика областларида чигит экишнинг борыши тўғрисида 1967 йил 24 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда экилган, учинчи стун — мавсум бошидан буён		
Тошкент	1,0	100,3
Сурхондарё	—	100,1
Андижон	—	99,8
Фарғона	1,5	95,8
Сирдарё	4,0	92,7
Самарқанд	5,6	89,9
Қашқадарё	3,8	83,9
Бухоро	7,2	75,2
Хоразм	5,3	34,0
ҚҚ АССР	1,7	7,9
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА:	2,8	83,0

КОМАРОВА ВАЛЕНТИНА ЯКОВЛЕВНАГА, КОМАРОВ МИХАИЛ ЯКОВЛЕВИЧГА

Азиз Валентина Яковлевна ва Михаил Яковлевич, сизнинг эрингиз ва ўғлингиз, мард коммунист, қаҳрамон, совет халқининг довюрак фарзанди Владимир Михайлович Комаровнинг фожиона ҳалоқ бўлганлиги муносабати билан сизнинг зўр қайғунизга ҳамдардман ва сиз билан бирга чуқур қайғурмоқдаман.

Владимир Михайлович ўз фаолиятининг кўп йилларини Ватан авиациясини ва космонавтикасини ривожлантиришга бағишлади ҳамда ўз ҳаётини фан, инсоният тараққиёти ва ер юзида тинчлик манфаатлари йўлида инсоннинг космосни забт этишдан иборат буюк ишга бағишлади. Унинг жасорати совет халқи ва ер юзидаги миллион-миллион кишилар хотирасида абадий сақланади.

Менинг самимий таъзиямни қабул қилгайсиз.

Л. БРЕЖНЕВ.

Чехословакия, Карлова Вари шаҳри,
1967 йил, 24 апрель.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, космосни дастлабки забт этувчилардан бири, космик кемаларнинг истеъдодли синовчиси, КПСС аъзоси, СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инженер-полковник Владимир Михайлович Комаров «Союз-1» космик кемасида синов парвозини тугаллаётган вақтда 1967 йил 24 апрелда фожиона ҳалок бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССРНИНГ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ. СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, ИНЖЕНЕР-ПОЛКОВНИК ВЛАДИМИР МИХАЙЛОВИЧ КОМАРОВНИНГ ҲАЛОК БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ТАСС АХБОРОТИ

СССРнинг космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инженер-полковник Владимир Михайлович Комаров бошқараётган янги космик кема «Союз-1» учиш синовлари ўтказиш мақсадида Совет Иттифоқида ер орбитасига чиқариб қўйилганлиги 1967 йил 23 апрелда хабар қилинган эди.

Бир кундан кўпроқ давом этган синов учиши вақтида В. М. Комаров янги кема системаларини созлаш учун мўлжалланган программани тўла бажариб бўлди, шунингдек планлаштирилган илмий экспериментларни ҳам ўтказиб бўлди.

Космонавт-учувчи В. М. Комаров учиш чоғида кема билан маневрлар қилди, кемадаги асосий системаларни турли режимларда синаб кўрди ва янги космик кемаларнинг техникавий сифатларига малакали баҳо бериб турди.

24 апрелда синовлар программаси тамом бўлганидан кейин унга учишни тўхтатиб, ерга қўниш таклиф этилди.

Қўниш режимига ўтиш билан алоқадор ҳамма операциялар бажарилиб бўлганидан сўнг кема атмосферанинг қалин қатламларида тормозлэнишнинг энг қийин ва масъулиятли участкасини эсон-омон ўтиб, биринчи космик тезликни батамом сўндирди.

Бироқ, етти километр баландликда парашютнинг асосий чодирини очиш чоғида, дастлабки маълумотларга қараганда, парашют чизмчалари чувалиб қолганлиги натижасида космик кема катта тезлик билан пасайди, бу эса В. М. Комаровнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлди.

Атоқли космонавт, космик кемаларнинг инженер-синовчиси Владимир Михайлович Комаровнинг бевақт ҳалок бўлиши бутун совет халқи учун оғир жудоликдир.

Владимир Михайлович Комаров космик кемаларни синовдан ўтказиш соҳасидаги меҳнатлари билан космик техниканы ривожлантириш ва такомиллаштириш ишига бебаҳо ҳисса қўшди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ В. М. КОМАРОВНИ ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Совет космик кемаси «Союз-1»ни учириб синаш чоғида кўрсатган қаҳрамонлиги, мардлиги ва шижоати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони космонавт-учувчи марҳум Владимир Михайлович Комаров иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлансин ва қаҳрамоннинг юртида бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва Кремль.
1967 йил 24 апрель.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. СССРнинг космонавт учувчиси инженер-полковник В. М. Комаровни дафн этишни ташкил қилиш учун М. А. Суслов (раис) Д. Ф. Устинов, Л. В. Смирнов, А. А. Гречко, С. А. Афанасьев, В. Я. Павлов, М. С. Смиртюков ва Ю. А. Гагарин ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. В. М. Комаров Қизил майдонда Кремль деворига дафн этилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

СССР космонавт учувчиси В. М. Комаров ҳалок бўлишининг барча сабабларини аниқлаш учун ҳукумат комиссияси тузилсин.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг давоми

(Бошқ биринчи бетда).

Европа хавфсизлиги масаласи муҳокама қилинаётганида, ҳисобга олишга тўғри келаётган баъзи халқаро факторлар ана шулар, ўртоқлар.

Европадаги ҳозирги вазиятга баҳо берар эканмиз, биз аввало Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган ўзгаришларни назарда тутамиз. Урушдан кейинги даврнинг энг муҳим социал-сиёсий факторларидан бири шуки, Европанинг ўзида, яъни капитализм туғилган, ижтимоий тузумга айланган, бутун жаҳон ривожланишининг боришини асрлар давомида белгилаб келган мана шу қитъанинг ўзида—капитализм позицияси жуда кўп даражада заифлашиб қолди.

Бу эса, шаркий ва марказий Европанинг 8 давлатида капитализмнинг емирилишида ва социалистик революцияларнинг ғалабасида ўз ифодасини топди. Бу ҳол яна шу нарсада ҳам ўз ифодасини топдики, Европа территориясининг қолган қисмида буржуазия АҚШнинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ёрдамига таяниб, фақат шу туфайлигина ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга кўп жиҳатдан муваффақ бўла олди.

Ғарбий Европа капитализми Американинг мададига таяниб, монополиялар кучини давлат ҳокимияти билан қўшиндан келиб чиқадиган имкониятлардан, шунингдек фан-техника революциясининг муваффақиятларидан фойдаланиб, социал муносабатлар ва сиёсий турмуш соҳасида кенг равишда маневрлар қилиб, кейин ўша кескин кризисдан, яъни, иккинчи жаҳон уруши тамом бўлиши биланоқ ўз бошига тушган ўткир кризисдан қутилиб чиқишга муваффақ бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, буни Европа капиталининг ўтмишдаги сиёсий қудрати яна тикланди, деб асло айтиб бўлмайди. Унинг тўб заифликлари сақланиб қолмоқда.

Қитъадаги социал-сиёсий кучларнинг янгича нисбати Европадаги асосий капиталистик давлатларнинг ташқи сиёсатида ўз ифодасини топди. Европа капитализми бош отрядларининг манфаатлари кўпинча кескин зиддиятга учраб туради. Улар капитализм негизларини янги ларзаларга солиш хавфини туғдирадиган ва ўз ораларида бўладиган кураш методлари ва формаларидан ўзларини четга тортишга зўр бериб уринмоқдалар.

Европанинг баъзи капиталистик мамлакатлари ўзларининг иқтисодий потенциалларини тиклаб олиб, энди хийла мустақилроқ сиёсат юритишга интилмоқдалар. Бунда Европа магнаталарининг манфаатлари билан Америка магнаталарининг манфаатлари ўртасида кескинлашиб бораётган зиддиятлар ҳам анчагина роль ўйнамоқда. Капиталистик Европани АҚШдан мустақил бўлган, жаҳон майдонида мустақил роль ўйнай оладиган кучга айлантиришни мақсад қилиб олган концепциялар Америкага ён босувчи сиёсат концепцияларининг ўрнини эгаллаб, ўзига тобора кўпроқ йўл очмоқда.

Бундай планлар Европа капитализмини ва унинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун тузилган планлар эканлиги биз коммунистлар учун мутлақо равшан. Лекин бизга равшан бўлган бошқа нарса ҳам бор. Айни вақтда бу планлар жаҳон капиталининг бирлик фронтини бўшаштирмоқда, бу эса Европа ва жаҳон ишчилар ҳаракати учун, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги курашни анча оқдирмоқ учун янги имкониятлар очиб беради.

Ўртоқлар! Бизнинг конференциямиз муҳокамасига қўйилган баёнот лойиҳасида уқтириб ўтилганки, Европа хавфсизлик проблемаси шунчаки, регионал проблема эмас, Европа халқларининг бошқа қитъалардаги халқлар проблемасидан ажратилган ички иши эмас. Бу ҳулоса нимага асосланади? Жаҳон урушининг алангаси икки марта Европанинг ўзида бошланганлигини, ҳозирги кунда ҳам шу қитъада халқаро кескинликнинг энг жиддий манбаларидан бири мавжуд бўлиб турганлигини унутишимиз мумкин эмас. Башарти, Европада янги уруш бошланиб кетса, бу уруш термоядро урушига айланиши ва бутун дунёга ёйилиши мумкин. Европа хавфсизлиги—ядро тўқнашувининг олдини олишнинг муҳим шартидир.

Лекин масала фақат шундагина эмас. Европада тинчлик учун кураш ҳозирги кунинг ўзида, ҳам империалистларнинг агрессив кучларига маълум даражада гов бўлиб турибди, уларнинг жаҳонинг бошқа қисмларидаги озодлик ҳаракатларини бостиришда қатнашишларига ҳалақит бермоқда. АҚШ ҳар қанча уринса ҳам, ўзининг Европадаги НАТОчи иттифоқчиларини Корея уруши вақтида бўлганидек Вьетнамдаги авантюрага торта олмаганлиги очик кўриниб турган факт-ку, ўртоқлар. Бу—коммунистик партиялар, бутун дунё ишчилар синфи, барча тинчликсевар кучлар курашининг натижасидир.

Европада империализм кучларига гов бўлиб туриш, уларнинг агрессив планларини барбод қилиш—империализм агрессив сиёсатининг ҳаракат доирасини шунчаки торайтиришгина бўлиб қолмасдан (гарчи шундай қилишнинг ўзи ҳам аҳамиятга эга), шу билан бирга уни шундай маълумотга ҳам учратадики, бу маглубиятнинг таъсири ҳамма жойда сезиладиган бўлади. Мана шунинг ўзи бошқа ҳамма қитъалардаги халқларнинг озодлик курашига ҳам берилган реал ёрдам бўлур эди.

Европа хавфсизлигининг манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан биз бутун ер юзидаги халқлар олдида ҳам ўзимизнинг интернационал бурчимизни бажараётирмиз, деб айтсам ҳамманинг фикрини ифодаладим бўламан, деб ўйлайман, ўртоқлар.

2. АМЕРИКА ВА ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ ИМПЕРИАЛИЗМИ— ЕВРОПА ТИНЧЛИГИГА ТАҲДИД ҚИЛАЁТГАН АСОСИЙ ХАВФ

Биз ҳозирги кунда Европада уруш хавфи борлиги масаласини кескин қилиб қўяётганимизнинг боиси нима, шундай жиддий хавф-хатар борми, деб савол беришлари мумкин.

Ҳа, ўртоқлар, шундай деб айтиш учун асослар бор. Биз уруш хавфини ошириб кўрсатишни истамаймиз, лекин бундай хавфнинг борлигини камайтириб кўрсатишни ҳам истамаймиз.

Биз ҳозирги кунда Европада хавфсизликка бўлган таҳдидни қаерда ва нималарда кўриб турибмиз?

Биз бунга шундай жавоб берамиз. Америка ва Ғарбий Германия империализмининг агрессив кучлари Европада тинчликни хавф остида қолдирмоқда. Бу кучларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган шерикчилиги нималарга асосланган? Америка империализмининг Германия Федератив Республикасидаги ҳукмрон доиралар билан тил бириктириши АҚШнинг Европа ўз ҳарбий стратегия позицияларини сақлаб қолиши учун асосида унча қиммати бўлмаса ҳам, лекин АҚШ учун асосий, қулай воситадир. Бу эса, АҚШга Ғарбий Европа мамлакатларининг сиёсати ва экономикасига тазйиқ кўрсатиш учун жиддий воситаларни беради. Ғарбий Германия сиёсатчиларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг мўлжалича, АҚШ билан шерикчилик қилиш уларнинг реваншчилик ниятларини амалга оширишлари учун реал имкониятлар очиб беради.

Герман империализмининг агрессив сиёсати Европадаги кўп мамлакатларни жуда катта қулфатларга дучор қилган эди. Совет Иттифоқи халқларигина эмас, балки Польша, Югославия, Чехословакия, Франция, Англия, Бельгия, Голландия, Норвегия, Дания ва Европадаги бошқа давлатларнинг халқлари ҳам буни яхши биладилар.

Мамлакатимиз гражданларидан 20 миллион киши фашизм устидан ғалаба қозонмоқ учун жонларини фидо қилганлигини совет кишилари эсдан чиқарганлари йўқ ва ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар. Уруш жароҳатларини даволаш, вайрон қилинган минг-минглаб шаҳар ва қишлоқларни тиклаш учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфлашимизга тўғри келди.

Ҳозирги кунда тинч бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлган совет халқи ўз ғалабаларининг ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар ғалабаларининг яна хавф-хатар остида қолишига асло йўл қўймайди. Биз ўтмиш учун қасос олишни истаганлигимиз учун эмас, балки келажак тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигимиз учун ҳозирги кунда уруш сабоқларини эслатиб ўтяпмиз. Европадаги барча халқларнинг ҳаётий манфаатлари герман империализми томонидан яққа тартибда ёки бошқалар билан иттифоқ бўлиб ўтказиладиган агрессияга бутунлай чек қўйишни талаб қилмоқда.

Европада урушдан кейинги тузилишнинг асослари Потсдам битимидаёқ белгилаб берилган эди. Германиянинг ўз қўшиналарига ва бутун дунёда тинчликка ҳеч қачон хавф туғдира олмаслиги учун милитаризм ва нацизмни йўқ қилиб юбориш тўғрисидаги талаб — бу битимнинг асосий талаби эди. Бу талаб ҳозирги кунда ҳам, келажакда ҳам ўз кучини сақлайди

Германия Демократик Республикаси Потсдам принципларини тўла амалга оширди. Аммо, Германия Федератив Республикасида бу принципларни назар-писанд қилмаётирлар, ГФРда герман милитаризми бор, герман нацизми ҳам тириллиб келмоқда. Потсдам битими талаб қилганидек, Ғарбий Германияда нацизм микроблари йўқ қилиб ташланмаганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо, янги нацистлар сиёсат майдонига ошкора чиқиб олган ҳозирги пайтда аҳвол жиддий тус олди.

Германия Федератив Республикасидаги ҳукмрон доиралар реваншчилик талабларини расмий давлат сиёсатининг негизига айлантирганлиги муносабати билан хавф-хатар айниқса кучайиб бормоқда. Солдатларнинг қозонлари ёки кочоқларнинг ташкилотларидан чиққан масъулиятни сезмайдиган қандайдир бақироқлар ва экстремистлар эмас, балки Ғарбий Германия ҳукумати бутун немис халқи номидан иш кўриш ҳуқуқини олиш каби бемаъни даъволар билан майдонга чиқмоқда, Европада вужудга келган чегаралани эътироф этишдан бош тортмоқда, Ғарбий Берлинни ўзиники қилиб олиш даъволарини илгари сурмоқда, Германия Федератив Республикасини ядро қуроли билан қуроллантириш учун яширин йўллар топиб олишга уринмоқда. Юқорида айтилганларга илова қилиб, Бонн маъмурлари Компартияни тақиқлаб қўйганлигини ва бошқа прогрессив кучларни бостираётганлигини ҳам айтиб ўтадиган бўлсак, реванш тайёрлаш учун сиёсий ва идеологик воситаларнинг бутун бир ,туркумини кўрамиз.

Германия Федератив Республикасининг ҳозирги ҳукумати ўзининг тинчликсеварлиги тўғрисида гапиришни яхши кўради. Аммо шу нарса характерлики, у бунда реваншчилик мақсадларидан воз кечмаслик учун ҳар қандай сунъий формулаларни ишлатиб кўради. Модомики шундай экан, Германия Федератив Республикасидаги ҳукмрон доираларнинг тинчликсеварлиқ ҳақидаги гаплари самимий гаплар эканлигига ишониш мумкинми? Янги ҳукумат ўзини яккалаб қўйган вазиятдан қутулиш ва бу билан ўз ниятларига эришмоқ учун мустаҳкамроқ мавқелар бўлишини таъминлаш мақсадида Европа ҳамоатчилик фикрини шу йўл билан чалғитишни истаётганлиги равшан эмасми, ахир.

Совет Иттифоқи Европа халқлари Ғарбий Германиядан чўчишлари керак, деб сира ҳам ҳисобламайди; бошқа ҳамма давлатлар каби Ғарбий Германия олдида ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг халқаро ҳамкорлик йўли, Европа ишларида қатнашиш йўли очиқдир. Биз Германия Федератив Республикасида Ғарбий Германия империализмининг агрессив, реакцион сиёсатига қарши чиқаётган кўп кучлар борлигини биламиз Рур кончилари, Штутгарт металлистлари, Маннгейм химик ишчилари Ғарбий Германиянинг ўзида милитаризм ва фашизмга қарши ҳаракат ўсиб бораётганлигини синфий тўқнашувларда яққол кўрсатиб бердилар. Неча минглаб кишининг иштироки билан ўтказилаётган тинчлик юришлари ва Вьетнамдаги урушга қарши норозилик митинглари барча халқлар каби Ғарбий Германия меҳнаткашлари ҳам тинчликни қадрлаётганликларини кўрсатади.

Совет Иттифоқи Германия Федератив Республикаси билан муносабатларни яхшилашга қарши эмас ва бу муносабатларни яхшилаш учун зарур бўлган чораларнинг ҳаммасини кўришга тайёрдир, деб кўп марта айтдик ва ҳозир ҳам шу гапларни айтамиз. Германия Федератив Республикасининг ҳозирги ҳукумати Европада вужудга келган вазиятга зийраклик билан ёндошадиган бўлса, бошқа мамлакатлар ва бошқа халқларнинг манфаатларига қасд қилмайдиган бўлса, бизнинг қитъамизда тинчликни мустаҳкамлашни истаётган л и г и н и амалда намойиш қиладиган бўлса, у ҳолда биз ана шундай йўлни қўллаб-қувватловчилардан бири бўламиз.

Лекин тинчликни ва халқлар хавфсизлигини қадрлаётган барча кишилар каби биз ҳам тинчлик ва халқлар хавфсизлигига зарар етказган ҳодда муросага келмаймиз ва муроса қилишимиз ҳам мумкин эмас. Германий Федератив Республикасининг раҳбарлари реваншчилик доктриналарига нечоғлик маҳкам ёпишиб оладиган бўлсалар, Совет Иттифоқининг, Европадаги барча халқларнинг зарбаси ҳам шунчалик кучли бўлади

Фактлар шуни кўрсатадики, герман империализми ҳозирги кунда туғдираётган уруш хавфи, шубҳасиз, реал хавфдир.

Кейнинги ўн йил ичида Германия Федератив Республикасида Ғарбий Европадаги энг йирик армияларнинг бири, қариб ярим миллион солдатга эга бўлган армия вужудга келтирилди ва иккинчи жаҳон уруши арафасида бўлгани каби қисқа вақт ичида жуда кўп қуролли кучларни вужудга келтириш имконини берадиган миқдорда команда кадрлари ҳам тайёрланди.

Ғарбий Германия империалистлари ўзларининг реваншчилик мақсадларига эришишга қодир эмаслар, албатта. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар агрессорга, агар у урушни бошлаб беришга жўрзат эталадган бўлса, қақшатқич зарба бериш учун етарли бўлган ҳарбий куч-қудратга эгадирлар. Аммо реваншчилар Европа мамлакатларини ва улар кетидан бутун дунёни янги уруш кулфатларига дучор қилишлари мумкин. Бундай хавф-хатар борлигини очиқ-равшан кўриш керак.

АҚШ ҳарбий кучларининг Европада бўлиши Ғарбий Германия милитаризмини рағбатлантиради, Европа тинчлигига хавф-хатарни кучайтиради. Неча юз минглаб Америка солдатларининг Европа тупроғида бўлиши, АҚШнинг ҳарбий базалари, унинг қитъа теварагидаги денгизларда сузиб юрган авиаюслари ва атом сувости кемалари, АҚШнинг ядро бомбалари билан Европа осмонида учиб юрган бомбардимончи самолётлари, — буларнинг ҳаммаси Европа халқлари осойишталигига доим реал хавф вужудга келтиради.

НАТО блоки — АҚШнинг Европа сиёсатида ишлатиб келган асосий қурол бўлди ва шундай қурол бўлиб қолмоқда. Бу пакт энг бошданоқ «коммунистик агрессия хавфи» борлиги тўғрисида, «Шарқдан хавф» борлиги тўғрисида тўқилган афсонага асосланган эди. Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлик сиёсати, Европадаги ва жаҳондаги воқеаларнинг бутун бориши ана шу афсонани кул қилиб кўкка совурди. Империалистик пропаганда «Москванинг қўли бор» деган туҳмат гаплар билан халқларни чўчитиб келган эди. Эндиликда «Москва қўли» тинчлик, тинч-тотув яшаш, халқлар дўстлиги байроғини маҳкам ушлаб келганлиги ва келаётганлигини ҳамма кўриб турибди.

Эндиликда Европадаги вазиятни соғломлаштириш учун, Европа давлатларининг ўзаро наф келтирадиган ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун янада қулай шарт-шароитлар вужудга келмоқда. Бунинг маъноси шуки, коммунистик партияларнинг фаолияти учун, умумий тинчлик ва Европа хавфсизлигини ёқлаб чиқадиган барча кучларни бирлаштириш учун қулайроқ шарт-шароитлар вужудга келди. Бу — сиз билан бизнинг умумий муваффақиятларимиздир, ўртоқлар!

Бундай вазиятда НАТОда аъзо бўлган мамлакатларнинг халқлари олдига, уларнинг ҳукуматлари олдига шундай савол айниқса кескин қилиб қўйилади: бу блокдан қузатилган мақсад нима, унда қатнашиш учун қандай хун тўлаш керак?

НАТОда аъзо бўлган Европа давлатлари бу блок тузилганидан буён ҳарбий тайёргарлик учун 300 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарф қилдилар. Бу харажатлар меҳнаткашларнинг манфаатларига жуда катта зарар етказади, иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади, фан ва маданиятни юксалтиришга зиён-заҳмат етказади.

Қўшма Штатлар рўй берган вазиятдан фойдаланиб, қўлгина истеъдодли олимлари Ғарбий Европадан океаннинг нариги томонига олиб кетмоқда. Бир қанча мамлакатларда бундай ҳодисани «олимларни йўлдан уриш» деб атаганлари бежиз эмас.

Биз НАТО мамлакатларининг ҳарбий кучларни ошириб бораётганлиги Совет Иттифоқини ва бошқа социалистик давлатларни ўзларининг жанговарлик тайёргарлиги кучайтиришга, мудофаа эҳтиёжлари учун анча маблағ сарфлашга мажбур этаётганлигини ёқтирмаймиз.

Американинг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий тараққиёти ва қуролли кучларни ўз васийлигига олганлиги, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига «американизм»нинг суқилиб кираётганлиги миллий иззат-ҳурматни ва тинчлик манфаатларини қадрлаётган барча кишилар тоқат қилолмайдиган тусга кириб бормоқда.

Ғарбий Европа халқлари ўз мамлакатларидаги кенг районларнинг Америка экспедицион қўшинлари учун доимий квартира қилиб берилганлигига ҳамиша сабр-тоқат билан қарашни истамайдилар. АҚШнинг урушдан кейинги учинчи ўн йиллиқда ҳам Ғарбий Европанинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ишларига аралашаётганлиги океаннинг нариги томонидаги конкурентлар билан рақобат қилмоқ учун куч тўплаган муайян монополистик доираларга ҳам оғир келмоқда. Океаннинг нариги томонидаги давлатларнинг аралашувига йўл қўймай, Европа проблемаларини европаликларнинг ўз кучлари ва ақл-идроки билан ҳал этиш тўғрисидаги талабнинг тарафдорлари Европанинг ҳамма қисмида тобора кўпаймоқда.

Кейинги йилларда Ғарбда НАТОни «модернизация қилиш» лойиҳалари зўр бериб илгари сурилмоқда. Америка ва Европа реакциясининг ана шу «муқаддас иттифоқи»ни ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам сақлаб қолиш учун ясама далиллар қидириб топилмоқда. Аввал шу даражагача бориб етдики, НАТО Ғарб билан Шарқ ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда позитив роль ўйнай олади, деган даъволар илгари сурилди. Бундан ҳам бемаъни далилни ўйлаб топиш қийин бўлса керак! Социалистик мамлакатларга қарши қурашмоқ учун махсус вужудга келтирилган ва ўзида аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик давлатлар билан иқтисодий ва савдо алоқаларини минг хил йўл билан чеклаб ва тақиқлаб қўйган, ташкилот Ғарб билан Шарқ ўртасидаги тинч муносабатлар ва ҳамкорликнинг қуроли бўлиши керак эмиш. Бу гапларга ким ишонади?

Тажриба шуни кўрсатадики, Европадаги социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар Ғарбдаги партнерларимиз миллий манфаатларни асос қилиб олиб, НАТО кенгашининг тавсияларига зид равишда, бу кенгашнинг социалистик давлатларга нисбатан камситиш чораларини четлаб ўтиб иш кўраётган мамлакатларда тезроқ кенгайиб бормоқда.

Ўртоқлар, бундай шароитларда коммунистлар, бизнинг фикримизча, уруш хавфини йўқотишга, Европа ҳитфасидаги вазиятни тубдан соғломлаштиришга олиб келадиган давлатларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг кенг ривожланишига йўл очиб берадиган конструктив тадбирларни Европа халқлари ва ҳукуматларига таклиф этишни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар.

3. ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИККА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛ

Ҳозирги халқаро вазиятда бундай тадбирларни амалга оширишнинг реал имкониятлари мавжуддир. Ҳар бир давлат учун, ҳар бир халқ учун хавфсизлик айни вақтда ҳамма учун ҳам хавфсизлик бўладиган Европани вужудга келтириш мумкин ва лозим эканлигига аминмиз. Бизнинг бу ишончимиз Европа халқларининг асил ниятларини тушунишгагина эмас, балки ҳарбий авантюралар ва агрессия тайёрлаш сиёсатига зид бўлган кучларга реал баҳо беришга ҳам асосланади.

Социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги — урушдан кейинги Европада энг муҳим омил бўлиб қолди. Социалистик давлатлар ташқи сиёсатининг кучи шундаки, бу сиёсатнинг туб мақсадлари қитъамиздаги барча мамлакатлар кенг халқ оммасининг ҳаётий манфаатларига мос келади.

Маълумки, Варшава шартномаси ташкилотида бирлашган социалистик давлатлар Бухарест кенгашида Европада хавфсизлик ва тинч ҳамкорлик программасини илгари сурдилар. Европа ва жаҳон афкор оммаси орасида бу программага тарафдор бўлган кишилар сони тобора ортмоқда.

Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар, жумладан Европада ва Умумевропа ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилмоқ учун давлатларнинг Умумевропа кенгашини чақириш идеясини кун тартибига қўйдилар Ғарбий Европадаги кўп давлатлар бу таклифга ижобий баҳо бердилар.

Европа мамлакатларнинг чегаралари иккинчи жаҳон уруши натижасида ва бу урушдан кейин қай тарзда таркиб топган бўлса, худди шу тарзда бу чегаларларнинг дахлсиз бўлишини таъминлаш—Европа хавфсизлигининг асосий масаласидир. Ана шу чегаралари бузиш йўлидаги ҳар қандай уринош халқларни сон-саноқсиз қулфатларга дучор қилган бўлур эди. Бу ган Германия Федератив Республикасининг шарқдаги ва ғарбдаги, шимолдаги ва жанубдаги чегараларига ҳам тамомила тааллуқлидир.

Турли социал тузумдаги икки герман давлатининг мавжудлиги каби реал фактни эътироф этиш—Европа хавфсизлигининг энг муҳим заминидир. Германия Демократик Республикасини «таниманслик»дан иборат қалтабин сиёсат, аслида Ғарбий Германия реваншчиларининг манфаатларигагина мос келиб бўлган ана шу сиёсат Европа воқелигига жуда ҳам зид бўлиб, халқаро вазиятни кескинлаштиришнинг жиддий манбаи бўлиб хизмат қилади. Германия Демократик Республикаси қариб йигирма йилдан буён яшаб ва яшнаб келмоқда. Совет Иттифоқи ва Европадаги бошқа социалистик мамлакатлар Германия Демократик Республикасининг халқаро мавқеларини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам беришни ўз сиёсатларининг муҳим мақсади деб биладилар.

Атом ва ракеталар асрида Европа хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган яна проблемалар пайдо бўлди. Европа чегаларини ўзгартиришга уринаётган давлат қўлида ядро қуролининг пайдо бўлиши қандай оқибатларга олиб келишини Европа халқлари яхши тасаввур этадилар. Шу сабабли, ядро қуролининг бундан буён тарқатилишига йўл қўймаслик —жаҳон миқёсидаги проблемагина бўлиб қолмай, балки Европа хавфсизлигининг асосий масалаларидан ҳам биридир.

Ҳозирги вақтда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида халқаро шартнома тузиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар бу ишнинг муваффақиятли тугалланишини ва ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг жаҳондаги барча давлатлар имзолаши учун очиқ бўлишига ҳаракат қилмоқдалар

Биз Европадаги воқеаларнинг бориши очиб бераётган имкониятларни чамалаб кўриб, НАТО мамлакатларининг ҳукуматлари Шимолий Атлантик шартномаси муддатини узайтириш ёки узайтирмаслик масаласини икки йилдан кейин қаҳ этишлари кераклиги каби фактга ҳам эътибор бермай қололмаймиз. Бизнинг фикримизча, коммунистлар ва барча прогрессив кучлар ана шу агрессив блокнинг сақлаб қолинишига қарши курашни янада кенг авж олдириш учун бу ҳолдан фойдаланишга интилиб, жуда тўғри иш қиладилар.

Европадаги социалистик мамлакатлар НАТО блокининг тузилишига жавобан ўз хавфсизликларини таъминлашдаги мақсадида бир вақтлар Варшава шартномаси ташкилотини тузишга мажбур бўлган эдилар. Социалистик мамлакатлардан бир қанчасининг ҳарбий иттифоқигина эмас, балки сиёсий иттифоқи ҳам бўлган бу ташкилот кўп йиллардан бўлган ўз ролини муваффақиятли бажариб келмоқда. Ғарбий Германия империалистлари ва уларнинг Америкадаги ҳомийларининг агрессив интилишлари бизни Варшава шартномасида қатнашаётган мамлакатлар ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишга мажбур этади. Шу билан бирга, социалистик мамлакатлар ҳеч қачон Европани ҳарбий блокларга бўлиб юборишга тарафдори бўлган эмаслар. Биз бу сиёсатга қарши ўз альтернативамизни илгари сурамиз. Бухарест кенгашининг қатнашчилари шу кенгашда Шимолий Атлантик Иттифоқи ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда, Варшава шартномаси ўз кучини йўқотади ва уларнинг ўрнини Европа хавфсизлиги системаси олиши керак, деб яна бир бор айтдилар. Бухарест кенгашининг қатнашчилари НАТО давлатларининг ҳукуматлари масалани шу тарзда кескин ҳал этиш йўлидан бормаётганликларини эътиборга олиб, ана шу гуруҳларнинг ҳарбий ташкилотларини тугатиш тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ келишиб олиш ҳақидаги янги таклифни илгари сурдилар. Бир қанча мамлакатлар учун, шу жумладан Европанинг шимолидаги мамлакатлар учун бетарафлик — давлатларнинг ҳарбий сиёсий гуруҳларида қатнашишга қарши альтернатива бўла олур эди. КПСС шундай фикрга асосланадики, Европа тинчлигини мустаҳкамлаш иши бетараф давлатларнинг ташаббусига ва уларнинг холис хизматларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Совет Иттифоқи ана шу мақсадга хизмат қиладиган ташаббусларни бажонидил қўллаб-қувватлаган бўлур эди.

Жаҳоннинг ва Европанинг ҳарбий блоклар ёки ҳарбий иттифоқларга ажралиб кетишини бартараф қилиш—барча халқларнинг қурол-яроғларни камайтириш ва қуролланиш пойгасини тамомила тўхтатиш учун, милитаризмни жиловлаб қўйиш учун, Европадаги ва бутун дунёдаги сиёсий муҳитни тозалаш учун олиб бораётган умумий курашнинг бир қисмидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Европа қитъасида ҳарбий кескинликни юмшатиш соҳасида қитъанинг айрим районларида ядродан холи зоналарни вужудга келтиришдан тортиб, чет эл ҳарбий базаларини тугатишгача қўриладиган айрим тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлар эди.

Жанубий Европа соҳилларини ювиб ўтадиган сувларда АҚШ ҳарбий флотининг доим бўлишини оқлаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин 20 йил ўтгач АҚШ 6-флотининг Ўрта денгизда сузиб юриши, Ўрта денгиз бўйидаги бир қанча мамлакатлардаги ҳарбий базаларини, портларни ва заправка станцияларидан фойдаланиши учун қандай асослар бор, деган савол тушади.

Ахир бу ҳол соҳил бўйидаги барча мамлакатларнинг мустақиллигига жиддий хавф тутдирадиқу. АҚШ 6-флотини Ўрта денгиздан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талаб барала айтилиши лозим бўлган пайт келган.

Европада АҚШнинг ҳарбий базаларигина эмас, балки бошқа хилдаги базалари ҳам мавжуддир. Бу базалар америкаликлар томонидан Германия Федератив Республикасида ва Ғарбий Европанинг бошқа давлатларида вужудга келтирилган қўпорувчилик, жосуслик-диверсия марказлари, радиостанциялар ва социалистик мамлакатларга қарши туҳматдан иборат пропаганда олиб бораётган турли ташкилотлардан иборат. Европа тупроғида халқлар ўртасидаги муносабатларни оғулайдиган барча заҳарли ўчоқларнинг фаолиятини тўхтатиш масаласини ўртага қўйиш пайти келган.

Қитъамиздаги мамлакатлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш — Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим замини бўлиб хизмат қила олур эди. Европа қитъасида кескинликни юмшатиш тенденцияларининг мавжудлиги кўп жиҳатдан Европанинг шарқидаги ва ғарбидаги давлатлар ўртасида икки томонлама муносабатларни яхшилаш натижасидир.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, бизнинг сиёсатимиз тинч-тотув яшаш принциплари асосида, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзда тутиб, Европадаги капиталистик мамлакатлар билан ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришни бундан буён ҳам назарда тутади. Совет Иттифоқи бизнинг мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантиришни истаётган Европа давлатларининг ҳукуматлари билан икки томонлама шартномалар ва битимлар тузишга тайёргарлик кўриш тўғрисида фикрлашиб олишга тайёрдир.

Европа халқлари ва давлатларининг куч-ғайратини сарф қилишнинг Европада тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишга бевосита тааллуқли бўлган яна бир муҳим ва перспектив йўли бор. Бунда ғап экономика, фан, техника, маданият соҳасида икки томонлама асосда ҳам, Умумевропа миқёсида ҳам ҳамкорлик қилиш тўғрисида бораётир.

Бу ишга ҳозирнинг ўзидаёқ асос қўйилди. Лекин биз буни ишнинг муқаддимасигина деб ҳисоблаймиз. Ривожланиб бораётган илмий техника революцияси миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва доллар амридан халос бўлиш йўлида мустаҳкамланиб бораётган ҳаракат Европа давлатларига қитъани кесиб ўтадиган газ қувури қурилишидан тортиб, бутун Европа учун муштарак бўлган рангли телевидение системасини жорий қилишгача хилма-хил соҳаларда кўпгина ташаббус ва йўлларни кўрсатиб беради.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳаси ҳам кўп мамлакатларни қизиқтирмоқда. Биз ядро тадқиқотлари ўтказиш ва ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда ёрдам бериш ҳақида Европадаги бошқа давлатлар билан бамаслаҳат келишиб олишга тайёрмиз. Бу таклифнинг амалга оширилиши ядро қуролини ишлаб чиқариш ва сотиб олишдан воз кечган давлатларнинг парчаланган атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишнинг инсониятга берадиган барча афзалликларидан баҳраманд бўлишларига имконият яратиб беради.

Европадаги дарёларни ва Европа соҳилларини ювиб ўтаётган денгизларни тозалаш каби, рак, юрак-томир касалликлари ва шулар сингари бошқа касалликлар билан курашда давлатларнинг кучғайратини бирлаштириш каби масалалар юзасидан биргаликда иш олиб бориш ҳам Умумевропа ҳамкорлигининг муҳим соҳасидир.

Европа халқларининг ҳар бири жаҳон маданияти ҳазинасига ўз ҳиссасини қўшди. Европадаги ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, ўзининг миллий қиёфаси бор. Биз, коммунистлар Европа халқларининг маданий меросини сақлаб қолиш учун, жаҳон цивилизациясининг, тарихий ва социал тараққиётнинг энг муҳим ўчоқларидан бири бўлмиш Европани янада ривожлантириш учун кураш ишига ҳам ўзимизнинг революцион ғайрат-шижоатимизни сарфлашга даъват этилганмиз.

4. ХАЛҚЛАР—ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН КУРАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Ўртоқлар! Бошқа кўп масалаларда бўлгани каби уруш ва тинчлик масалаларида ҳам Европанинг ғарби ва шарқида яшовчи халқларнинг манфаатлари бир-бирига мос келади. Бунда икки ўртадаги «чегара» географик чегаралар бўйлаб эмас ва ҳатто социал системалар орасидаги чегаралар ҳам бўйлаб ўтмайди, у бир томондан, ўз қитъасини хавф-хатардан ҳоли қилишга, мустаҳкам тинчликка интилаётган кенг халқ оммаси билан, иккинчи томондан, Европага ёт бўлган океаннинг нариги томонидаги кучларга таянувчи тор доирадаги «уруш партияси» ўртасидаги чегаралар бўйлаб ўтади. Европадаги барча халқлар тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, ўз куч-ғайратларини бирлаштиришлари ва ўзларининг ҳаётий манфаатлари учун биргалашиб кураш олиб боришлари лозим деган фикрга қарши оқилона эътирозлар бўлиши мумкин эмас. Биргаликда олиб бориладиган ана шу кураш фронти нечоғлиқ кенг ва нечоғлик мустаҳкам бўлса, уруш девлари ҳам шу қадар тез жиловлаб қўйилади.

Капиталистик мамлакатлардаги дўстларимиз ўз мамлакатларидаги тинчликни севадиган ҳар қандай кучларнинг ҳаракат бирлигини амалга ошириш учун қандай чоралар кўриш зарурлигини яхши билсалар керак, албатта. Биз ана шу муҳим вазифани ҳал этишда ёрдам кўрсатишга тайёрмиз.

Шу муносабат билан муҳим бир масалага — ишчилар синфининг бирлиги тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтишни истар эдим.

Европа — уюшган ишчилар ҳаракатининг бешигидир. Европада кескин синфий жанглар жараёнида ишчилар ҳаракатининг милитаризмга қарши, агрессияга қарши, халқлар ўртасидаги тинч муносабатлари учун кураш ишига ҳам ўзимизнинг революцион ғайрат-шижоатимизни сарфлашга даъват этилганмиз.

Ҳозирги к

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг охири

(Боши 1 ва 2 бетларда).

Азиз ўртоқлар! Коммунистлар барча демократик ва тинчликсевар кучлар ҳаракат бирлигининг актив тарафдорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Аммо улар идея ва ҳаракат бирлиги намунасини кўрсатган тақдирдагина бу вазифани муваффақиятли ҳал эта оладилар. Бизнинг конференциямиз Европанинг икки қисмидаги компартияларнинг, социалистик мамлакатларда жамиятга давлат йўли билан раҳбарлик қилаётган компартиялар ва капиталистик давлатлар шароитида ишчилар синфининг иши учун фидокорона курош олиб бораётган компартияларнинг тарихдаги биринчи учрашувидир. Бу конференциянинг чақирилиши жаҳон коммунистик ҳаракатини бирлаштириш, марксча-ленинча партияларнинг аҳил бўлиб биргаликда ҳаракат қилиш тенденциялари кучайиб бораётганлигини яққол исбот этади.

Муштарак марксча-ленинча идеология, умумий пировард мақсадлар бизнинг ҳамма партияларимизни бирлаштиради. Қардош партиялар турли шароитларда ишлаётганликларини ва шу сабабли ўз ишларининг конкрет шароитларидан келиб чиқадиган турли тактик тадбирларни амалга ошираётганликларини биламиз. Аммо буларнинг ҳаммаси партияларимизнинг маҳкам ҳамкорлик қилишларига, ўзаро келишиб олинган йўлларни ишлаб чиқишларига, умумий мақсад учун курашда ҳаракат бирлигига эришишларига халақит бермайди. Коммунистларнинг бирдамлиги мустаҳкамланиб боришига аминмиз. Шу жиҳатдан қараганда бизнинг конференциямиз коммунистлар фақат тор миллий манфаатларнигина ҳимоя қилиб қоладиган бўлдилар, деб лоф урётган буржуа сиёсатдонларига энг яхши жавобдир.

Бизнинг партиямиз ҳамжиҳат бўлиб биргаликда иш олиб бориб, сафларимизни қисқа вақт ичида жипслаштиришга эришмоқ учун зарур шартлар мавжуд эканлигига эътиборли ишонади. Биз шу фикрда қаттик турибмиз ва ана шу идеяни бошқа кардош партиялар билан бир сафда туриб амалга ошириш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Бу вазифани ҳал этиш учун марксчи-ленинчиларга хос шижоат ва принципиаллик билан киришиладиган бўлса, келишмовчиликларни бартараф қилиш мумкин. Бунинг учун ҳеч мустасносиз барча партияларнинг яхши ният ва зўр ғайрат билан ишлашларига эришиш лозим, албатта. Коммунистнинг бурчи ҳар биримизнинг бирликнинг ўз-ўзича келиш пайтини кутиб бир чеккада туришимизга йўл қўймайди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг биргалашиб ҳаракат қилишлари замонамизнинг қатъий амри бўлиб, бутун революцион ҳаракатнинг туб манфаатларига жавоб берали. Ҳар бир Компартиянинг кучи, коммунистлар ҳар бир миллий отрядининг ҳаракати берадиган самара унинг ўз мамлакатидаги таъсири билангина эмас, балки коммунистик ҳаракатнинг бошқа отрядлари билан биргаликда иш кўриш қобилияти билан ҳам белгиланади.

Ҳаракатимизнинг тарихий мақсади — социализм ва коммунизмдир.

Ғарбий Европанинг ишчилар синфи, халқлари бугун ё эрта социалистик йўлга ўтиб олишларига аминмиз. Коммунистик партиялар демократиянинг, тинчликнинг тантана қилишини ҳамда ҳар бир халқдаги бунёдкор кучларнинг тўла ривожланишини таъминлайдиган ана шу бирдан-бир тўғри йўл учун фидокорона курашмоқдалар. Коммунистлар синфий кураш натижасидагина бунга эришиш мумкин эканлигини тушунадилар. Ишчилар синфи бу кураш жараёнида жамиятдаги ўз ролини ва ўзининг туб манфаатларини тушуниб оладилар. Шу сабабли коммунистик партиялар ўз сиёсатлари билан ишчилар ҳаракатининг социалистик, марксча-ленинча йўлини мустаҳкамлаш ва бир мақсадни кўзда тутиб социализм галабаси учун қулай шарт-шароитларни жонбозлик билан вужудга келтириш соҳасида тинмай иш олиб бормоқдалар.

Биз мухокама қилаётган масалаларга ана шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак (биз буни коммунистлар учун асосий ва ҳал қилувчи масала деб ҳисоблаймиз), қўйидаги хулосани чиқармай илож йўқ: **Европа хавфсизлиги проблемаси ташқи — сиёсий проблемагина бўлиб қолмай, балки энг муҳим социал проблема ҳамдир.** Бизнинг партиямиз бу фикрни илгари сурганида Европада урушдан кейинги ўн йилликлар даврида тўпланган амалий тажрибага таянади.

Бу тажриба нимани ўргатади? Бу тажриба, жумладан, шуни ўргатадики, «совуқ уруш» вазияти ва ҳарбий блокларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши, уруш хавфини тутдираётган муҳитнинг борлиги, революцион, демократик кучларнинг фаолиятини жиддий суратда қийинлаштиради. Халқаро вазият кескинлашган бир шароитда буржуа мамлакатларида реакцион унсурлар актив ҳаракат қилмоқдалар, ҳарбийлар бош кўтармоқдалар, демократияга қарши тенденциялар, антикоммунизм кучайиб бормоқда.

Бунинг аксича, кейинги йиллар халқаро кескинлик юмшаб борган шароитда сиёсий барометр стрелкаси сўл томонга бурилаётганлигини айниқса яққол кўрсатди. Баъзи мамлакатларда коммунистлар билан социал-демократларнинг ўзаро муносабатларида рўй берган маълум силжишлар, коммунистларга қарши васвасанинг анча пасайганлиги ва Ғарбий Европадаги коммунистик партиялар таъсирининг ўсганлиги Европа қитъасида кескинликнинг анча юмшашганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Коммунистик стратегиянинг асосий қоидаларидан бири тўғри экаланиги яна ва яна бир марта тасдиқланди: тинчлик учун кураш социализм учун курашга зид эмас. Тинчлик учун кураш — социализм учун курашга ёрдам беражаги қаҳ қоний гап экан, бошқа бир қонда ҳам тўғридир: империализм ва реакцияга қарши, демократия ва социал тараққиёт учун кураш — тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Милитаризм ва реакция бир-бири билан эгизак деб айтиш мумкин. Бинобарин Европадаги вазиятни соғломлантириш — Европадаги бир қанча капиталистик мамлакатларда ҳали ҳам мавжуд бўлган фашист ёки ярим фашист режимларга қарши кураш олиб бориш билан чамбарчас боғланган. Биз шу минбардан туриб, Испания ва Португалия коммунистлари ва демократларининг қаҳрамонона кураши билан бирдам эканлигимизни яна бир бор айтамиз. Германия Федератив Республикасида демократик ва тинчликсевар кучларнинг таъқиб этилишига қарши, биринчи навбатда Германия Коммунистик партиясининг тақиқланишини бекор қилиш учун кураш, бизнинг фикримизча, Европа ишчилар ҳаракатининг муҳим вазифасидир.

Конференциямиз чақирилиши арафасида телеграф Грециядаги ҳарбий тўнтариш тўғрисида ташвишли хабарлар келтирди. Греция реакцияси мамлакатда фашист диктатурасини ўрнатишга уринмоқда, грек халқининг минг-минглаб энг яхши фарзандлари турмаларга ташланган. Грециядa реакцияга қарши, ўз мамлакатини демократлаштириш учун кураш олиб бораётган прогрессив кучларга самимий ҳайрихоҳ бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаймиз. Бу нарса бугун конференциямизда қабул қилинган ҳужжатда ўзининг яққол ифоласини топди.

Конференциямиздаги фикр алмашувлар, биз қабул қиладиган баёнот империалистик агрессия сиёсатига қарши, Европа хавфсизлигини ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашни ривожлантиришда катта роль ўйнаши керак.

Ўртоқлар, Европа хавфсизлиги учун курашнинг конференциямиз баёноти лойиҳасида зикр қилинган программасини қўллаб-қувватлаётганлигимизни КПСС номидан яна таъкидлаб ўтишга ижозат бергайсиз. Биз, коммунистлар бу программани амалга ошириш йўлида омма ўртасида кўп иш қилишимиз кераклигини ҳаммамиз тушунамиз.

Биз уруш хавфига қарши курашнинг хилма-хил формаларига тарафдормиз. Ҳамма йўллар Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатишга олиб келиши керак. Коммунистлар ва барча тараққиёт кучлари оммани Европа хавфсизлиги учун қатъий курашга сафарбар қиладиган бўлсалар, бу йўллар Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатишга олиб келади.

Ўртоқлар! Совет халқи ва унинг бутун дунёдаги дўстлари тез орада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали вазиятда нишонлайдилар. Қишлик сарой штурм қилинган кунинг эртасига Советлар съезди ҳалқлар ва ҳукуматларга мурожаат қилиб, уларни урушга дарҳол хотима беришга даъвт этганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ленининг сулҳ тўғрисидаги декретида Ғарбий Европадаги энг йирик давлатларнинг оғлари ишчиларнинг алоҳида мурожаат қилиб айтилган гаплар бор эди. Бу декретда Ғарбий Европа ишчилари фидокорона зўр ғайрат билан қатъий иш олиб бориб, тинчлик ишини охиригача етказишга кўмаклашадилар, революцион Россиянинг меҳнаткашларни озод қилиш ишини тугаллашига ёрдам берадилар, деб ишонч билдирилган эди.

Халқаро ишчилар синфи, Европадаги ва бутун дунёдаги прогрессив ҳамда демократик кучлар ярим асрдан бўён биз билан қардошларча бирдам бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб келаётганликларини кўриб турибмиз. Совет Иттифоқининг коммунистлари Европадаги ва бошқа қитъалардаги ишчилар синфининг, демократик кучларнинг тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун олиб борётган курашига ёрдам бериш учун ҳамма чорани кўришни ўзларининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаб келдилар ва шундай деб ҳисобламоқдалар.

Биз, совет коммунистлари тинчлик ва социал тараққиёт учун курашни ҳамиша барча коммунистик партияларнинг интернационал иши деб ҳисоблаб келдик. Ғарбий Европа мамлакатларининг марксчи-ленинчи партиялари ишчилар синфининг иши учун курашнинг қатта ва шонли йўлини босиб ўтдилар. Капиталистик мамлакатлардаги қардош партияларда аъзо бўлган ўртоқларимиз эски дунёга, эксплуатация ва жабр-зулмга қарши синфий жангларда кўп йиллаб оғир синовларга бардош бердилар, улар мағлубиятга учраган ва галаба қилган пайтлар ҳам бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бирлашган халқ фронти учун, фашизмга ва гитлерчилар агрессиясига қаршилик кўрсатиш учун олиб борилган ҳаракатда ва ҳозирги вақтда олиб бораётган курашларда ўртоқларимизнинг омма ўртасида ишлашда тўплаган жуда катта тажрибаси бутун жаҳон коммунистларининг қимматли мулкидир. Ҳокимият тепасида турган биз, коммунистлар ва социалистик революциянинг ғалабаси учун курашаётган ўртоқларимиз ана шу тажрибага таяниб, шу конференцияга тўпланиб дадил айта оламизки, кенг халқ оммасини тинчлик иши учун курашга жипслаштириш, реакция ва уруш кучларини жиловлаб қўйиш каби, буюк, лекин тамомила реал вазифани бажара оламиз.

Ана шу юксак мақсадларга эришмоқ учун коммунистик ҳаракат сафларининг бирдамлиги ва бирлигини мустаҳкамлай берайлик!

СССРнинг космонавт-учувчиси Владимир Михайлович КОМАРОВ

Космосни илк забт этувчилардан бири, КПСС аъзоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси инженер-полковник Владимир Михайлович Комаров 1967 йил 24 апрелда «Союз-1» космик кемасида синов учишини тугаллаш чоғида фожиаз ҳалок бўлди.

В. М. Комаров 1927 йил 16 мартда Москва шаҳрида ишчи оиласида туғилган эди. Болалик чоғида қирувчи учувчи бўлишни орзу қилиб юрар эди.

Владимир Михайлович ҳарбий ҳаво кучларининг махсус ўрта мактабини тамомлагач учувчилар тайёрловчи Батайск ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирди ва уни 1949 йилда муваффақиятли битирди, сўнгра эса, ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи авиация кучларида хизмат қилди. В. М. Комаров ўзининг мард, тажрибали учувчи эканлигини кўрсатди, ўзининг ҳамма жанговар ўртоқлари учун шахсан ўрнак бўлиб хизмат қилди.

У 1954 йилдан бошлаб Жуковский номидаги ҳарбий ҳаво инженерлик академиясида ўқиб, уни 1959 йилда тамомлади.

Қобилиятли учувчи инженерлардан бири бўлган В. М. Комаров авиация техникасининг янги намуналарини синаш ишига юборилди. Бу ерда унинг моҳир ташкилотчи ва инженер сифатида юксак фазилатлари яққол намоён бўлди. В. М. Комаров 1960 йилда космонавтлар отрядига олинганидан кейин, ўзининг қобилияти ва истеъдодини айниқса ёрқин кўрсатди.

Владимир Михайлович ниҳоят даражада масъулият билан янги авиация техникасини астойдил ўзлаштираверди, учувчи, парашютчи бўлиб тайёрланишнинг ва махсус тайёргарликнинг кенг программасини синчиклаб бажариб келди.

В. М. Комаровнинг учувчи-инженер ва космонавт сифатидаги юксак фазилатлари ҳисобга олиниб 1964 йилда унга Партия ва Ҳукуматнинг масъулиятли топшириғи: кўп ўринли биринчи совет космик кемаси «Восход» экипажига бошчилик қилиш ҳамда космосда илмий тадқиқотлар ва синовлар ўтказишнинг мураккаб вазифасини бажариш топширилди. Ватаннинг бу топшириғи шараф билан бажарилди.

Л. БРЕЖНЕВ, Г. ВОРОНОВ, А. КИРИЛЕНКО, А. КОСИГИН, К. МАЗУРОВ, А. ПЕЛЬШЕ, Н. ПОДГОРНИЙ, Д. ПОЛЯНСКИЙ, М. СУСЛОВ, А. ШЕЛЕПИН, П. ШЕЛЕСТ, В. ГРИШИН, П. ДЕМИЧЕВ, Д. КУНАЕВ, П. МАШЕРОВ, В. МЖАВАНАДЗЕ, Ш. РАШИДОВ, Д. УСТИНОВ, В. ШЧЕРБИЦКИЙ, Ю. АНДРОПОВ, И. КАПИТОНОВ, Ф. КУЛАКОВ, Б. ПОНОМАРЕВ, М. СОЛОМЕНЦЕВ, Н. БАЙБАКОВ, В. ДИМШИЦ, М. ЕФРЕМОВ, В. КИРИЛЛИН, М. ЛЕСЕЧКО, В. НОВИКОВ, И. НОВИКОВ, Л. СМИРНОВ, Н. ТИХОНОВ, А. ГРЕЧКО, М. КЕЛДИШ, С. АФАНАСЬЕВ, С. ЗВЕРЕВ, П. ДЕМЕНТЬЕВ, В. КАЛМИКОВ, А. ШОКИН, В. РЯБИКОВ, М. ЗАХАРОВ, А. ЕПИШЕВ, К. ВЕРШИНИН, Н. КРИЛОВ, И. СЕРБИН, В. САВИНКИН, Н. ЕГОРИЧЕВ, В. КОНОТОП, С. РУДЕНКО, А. РИТОВ, Н. КАМАНИН, А. БЛАГОНРАВОВ, Л. СЕДОВ, В. ПАРИН, Ю. ГАГАРИН, В. НИКОЛАЕВА-ТЕРЕШКОВА, Г. ТИТОВ, А. НИКОЛАЕВ, П. ПОПОВИЧ, В. БИКОВСКИЙ, К. ФЕОКТИСТОВ, Б. ЕГОРОВ, П. БЕЛЯЕВ, А. ЛЕОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАНИНГ ИЛҒОР САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САВДО ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада савдо ва умумий овқатланишни ривожлантиришдаги хизматлари, аҳолига намунали хизмат кўрсатганликлари, кўз йил самарали ишлаганликлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвони берилсин:

1. **Абдураҳмонова** Ойтошхон — Андижон горпишчеторги 35-магазин мудири.

2. **Авазова** Муборак Муҳиддиновна — Самарқанд область матлубот союзи Боғибаланд матлубот жамиятининг 1-магазин мудири.

3. **Алиева** Нина Ивановна — Чирчиқ умумий овқатланиш трести 1-ошхонасининг бош ошпази.

4. **Арутюнова** Елизавета Рафаиловна — «Ўзбекбирлашув» правлениеси умумий овқатланиш бўлимининг бошлиғи.

5. **Отаниёзова** Тулхатша — Қорақалпоғистон республика матлубот жамияти Чимбой район матлубот союзи Кенас матлубот жамиятига қарашли 1-магазин мудири.

6. **Отажонова** Субинисо — Фарғона область матлубот союзи Риштон район магазини бўлимининг мудири.

7. **Аҳмаджонова** Муқаддас — Самарқанд горпишчеторгига қарашли 1-магазин сотувчиси.

8. **Охунжонова** Тўти — Сирдарё область матлубот союзи Жиззах матлубот жамиятига қарашли магазин мудири.

9. **Баданова** Анастасия Афанасьевна — Тошкент шаҳар Куйбишев район ошхоналар трести 1-ошхона буфетчиси.

10. **Барановская** Анастасия Матвеевна — Олмалиқ умумий овқатланиш трести «Чучварахона» кафесининг ошпази.

11. **Горшинина** Мария Александровна — Термиз станцияси 4-НОД ишчилар таъминоти бўлими филиалининг кондитер ошпази.

12. **Жабборова** Робия — Бухоро область матлубот союзи 3-қишлоқ магазини мудири.

13. **Ибодуллаева** Зуҳра — Бухоро горпишчеторги 19-магазининг сотувчиси.

14. **Исоқов** Абдулла — Қорақалпоғистон АССР савдо министрлиги Хўжайли универмаги бўлим мудири.

15. **Искандаров** Баҳром — Самарқанд горпромторги 84-магазини мудири.

16. **Истамов** Қаҳҳор — Бухоро область матлубот союзи Ғиждувон район матлубот союзи 7-ошхонасининг ошпази.

17. **Эшонхўжаева** Насиба — Тошкент шаҳар Куйбишев райпишчеторги 8-магазининнинг бош сотувчиси.

18. **Қаюмов** Абдуғани — Наманган умумий овқатланиш трести 6-чойхонасининг ошпази.

19. **Мавлонов** Қодир Раҳмонович — Жиззах горторги 1-ошхонасининг бош ошпази.

20. **Мансурова** Зулфия — Тошкент шаҳар Октябрь райпишчеторги 18-магазининнинг бош сотувчиси.

21. **Маҳмудов** Хасанбой — Хоразм область матлубот союзи Урганч матлубот жамияти магазинининг сотувчиси.

22. **Миралимов** Деҳқон — Тошкент область матлубот союзи «Боғистон» ишчилар кооперативи правлениесининг раиси.

23. **Мўминов** Нишонбой — Фарғона умумий овқатланиш трести 35-ошхонасининг бригадир ошпази.

24. **Муҳамедова** Мушаррам — Тошкент область матлубот союзи Келес матлубот жамияти 3-магазин мудири.

25. **Набиева** Муяссар — Тошкент шаҳар Ленин район ошхоналар трести 1-ошхона мудири.

26. **Пўлатов** Ёқуб — Қашқадарё область матлубот союзи Шаҳрисабз район матлубот союзининг ошпази.

27. **Раҳимова** Қурбоной — Сурхондарё область матлубот союзи Бойсун матлубот жамияти 1-ошхонасининг ошпази.

28. **Рўзиев** Ҳасан — Самарқанд область матлубот союзи Нарпай район матлубот союзининг Пахтакор умумий овқатланиш трести ошпази.

29. **Сайдуллаева** Вазира Губайдуллиновна — Сирдарё область матлубот союзи Жеттисой универмагининг бўлим мудири.

30. **Умаров** Тўхтасин — Андижон область матлубот союзи Москва район матлубот союзининг «Шаҳрихон» ресторани бош ошпази.

31. **Умурзоқов** Иброхимжон — Фарғона область матлубот союзи Фурқат матлубот жамияти 18-магазининнинг мудири.

32. **Худойберганов** Назар — Урганч умумий овқатланиш трести корхоналари бирлашмасининг мудири.

33. **Чўлпонова** Санобархон — Андижон область матлубот союзи Уйчи район матлубот жамияти 32-магазининнинг бош сотувчиси.

34. **Шереметьев** Борис Васильевич — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги «Ўзоптбакалея» республика конторасининг бўлим бошлиғи.

35. **Яновская** Мария Ивановна — Фарғона горпишчеторги 61-магазининнинг мудири.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 24 апрель, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

П. Б. БОБОХОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишда актив иштирок этганлиги, шунингдек йўл хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаганлиги учун Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг биринчи ўринбосари Пўлат Бобохонович **Бобохоновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган автомобиль транспорти ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 24 апрель, Тошкент шаҳри.

МУНОСИБ БАҲО

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК БЎЛСИН

Пахтакорнинг ишини енгиллаштирган бир группа инженерлар ва механизаторлар Ленин мукофотига сазовор бўлдилар. Улар ҳақиқатан ҳам катта иш қилдилар. Вертикал-шпинделли икки қаторли пахта териш машинаси учун, машинанинг конструкциясини тузганликлари, бу агрегатларни кўплаб ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигига жорий қилганликлари учун партия ва ҳукуматимизнинг ана шундай юксак мукофотини олишга муяссар бўлдилар.

Вертикал-шпинделли икки қаторли пахта териш машинаси совет пахтачилигининг юксалишида, энг машаққатли иш бўлган теримни енгиллаштиришда дала меҳнаткашларига катта мадад бермоқда. Машина терими — пахтачиликни юксалтиришнинг туб масаласи.

1948 йили бир қаторли вертикал-шпинделли пахта териш машиналари — «СХМ-48» ва «СХМ-48М» машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу машиналар билан пахта териш вақтида конструкторлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари анча тажриба тўпладилар. Пахтани машинада териш, далаларни теримга мослаш, кадрлар тайёрлаш соҳасида янги вазифалар кўндаланг бўлиб қолди. Бу вазифаларни ҳал қилиш ва мавжуд терим машинасини такомиллаштириш учун ҳаракат бошланиб кетди. Конструкторлар олдига пахта териш машиналарининг қувватини ошириш, уларнинг сифатли пахта теришини таъминлаш, агрегатларнинг техникавий даражасини ошириш масаласи қўйилди. Улар мутлақо янги конструкциядаги ишчи аппаратлари, пневматранспорт, бункерлар ва терим машинасининг бошқа узелларини ишлаб чиқишга киришиб кетдилар.

Бундай ҳаракатнинг энг яхши натижалари кўрина бошлади. Назарий ҳисоб-китоблар, тадқиқотлар, тажрибаларнинг махсус тайёрланган стендларда текшириб кўрилиши, пахта далаларида синалиши, машиналарнинг тажриба нусхаларини ишлатиб кўриш — мана шуларнинг ҳаммаси 1958 йилдан бошлаб ўзиюрар вертикал-шпинделли икки қаторли пахта териш машинаси бўлган «ХВС-1,2» агрегатининг ишлаб чиқарилишини таъминлади. Бу машина пахтакор механизаторлар томонидан қувонч билан қарши олинди.

Пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси Владимир шаҳридаги тракторсозлар ва Тошкент трактор йиғув заводи билан ҳамкорликда 1961 йилда икки қаторли пахта териш машинаси яратиш устида иш олиб бордилар. Бу машинанинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг «Т28ХЗ» ҳайдов тракторига тиркаб ишлатилишидир. Бу хилдаги осма машинани яратиш билан пахта териш машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси колективи жуда катта иш қилди. Терим агрегатининг қуввати ошириди. техникавий даражаси яхшиланди кўринишга чиройли бўлди ва бирмунча ихчамлаштирилди. 1964 йилдан бошлаб «Ташсельмаш» заводи икки қаторли осма пахта териш машинасини кўплаб нусхада ишлаб чиқаришга киришди. «Ташсельмаш» заводи ва бошқа машинасозлик корхоналари мана шу машинани ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ўзлаштиришда муносиб ҳисса қўшдилар. Қисқа вақт ичида бундай машинани ишлаб чиқаришнинг поток усулига ўтилди.

Эндиликда икки қаторли пахта териш машинаси пахтакорнинг ўнг қўли бўлиб қолди. Пахтакор машинага яхлос қўйиб, унга катта ишонч билан қарамоқда. Бундай машиналардан терим вақтида фойдаланиш натижалари деҳқоннинг қувончига-қувонч қўшмоқда

Ўтган йили Москвада замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналарининг халқаро кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Кўргазмада Тошкентда тайёрланган такомиллаштирилган икки қаторли вертикал-шпинделли пахта териш машинаси — «17ХВ» жуда катта баҳо олди. Бу машина кўргазманинг олтин медали билан мукофотланди. Шу йилдан бошлаб «Ташсельмаш» заводи коллективи «17ХВ» маркали терим агрегатини кўплаб нусхада ишлаб чиқара бошлайди.

Пахта теримини механизациялаш деҳқончиликда катта бир революция деб баҳоланса арзигулик. Пахтачиликни механизациялаш борасида баранали меҳнат килган кишилар меҳнатларига яраша тақдирланаётганликлари ҳаммамизни қувонтиради. Пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари — бюро бошлиғининг ўринбосари П. Ф. Глазатов, бўлимларнинг бошлиқлари А. Н. Приходько, В. Д. Тютьков, бўлим бошлиғининг ўринбосари М. Н. Марков, Ўрта Осиё машина синаш «Малик» станцияси тажриба хўжалиги трактор — комплекс бригадасининг бошлиғи Ж. Кўчиев, Тошкент область Янгийўл районидаги Киров номли колхоз комплекс-механизацияялашган бригадасининг бошлиғи Т. Охунова ўртоқлар Ленин мукофоти билан тақдирландилар.

Мукофот пахтачилик бўйича махсус конструкторлик бюроси ва заводларнинг коллективларини, механизаторларни меҳнатда янги зафарларга руҳлантирди. Улар яна ҳам такомиллашган, қудратли, тежамли, чидамли пахта териш машиналари яратиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилишларига ишончимиз комил.

Л. НАЗАРЬЯНЦ, СССР Трактор-қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг Пахтачилик машиналари ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи.

Дунёнинг мамлакатларида

МОСКВАДАГИ ТАИЛАНД ЭЛЧИХОНАСИГА СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессиясида Таиланд тобора кўпроқ қатнашаётганлиги муносабати билан СССР Ташқи ишлар министрлиги шу йил 22 апрелда Таиландниг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчисига қуйидаги баёнотни топширди.

«Ҳинди-Хитой ярим оролидаги воқеаларнинг кейинги вақтларда ривожланиши шуни кўрсатиб турибдики, Қўшма Штатлар ўз ватанининг озодлиги, мустақиллиги ва бирлиги учун адолатли кураш олиб бораётган вьетнам халқига қарши агрессив урушни янада кенгайтиришдан иборат жуда хатарли йўлдан боришни давом эттирмоқда. У, Жанубий Вьетнамдаги ўзининг қўшинларини ва қурол-яроғларини кўпайтирмоқда, Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни кучайтирмоқда. Шу билан бирга АҚШ ҳукумати ҳарбий блоклардаги ўзининг иттифоқчилари ва шерикларини вьетнам халқига қарши урушга тортишга интилмоқда.

Америкининг Вьетнамдаги агрессиясида биргалашиб қатнашаётган давлатлар орасида Таиланд алоҳида ўрин олиб турибди. Таиланд ҳукумати Америка Қўшма Штатларига Таиланд территориясидан Вьетнамга қарши уруш учун плацдарм сифатида фойдаланиш имкониятини бериб кўйди. Ҳозир Таиландда Американинг 35 мингдан кўпроқ соллати ва офицери, АҚШнинг жуда кўп ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий денгиз базалари ҳамда бошқа ҳарбий объектлари вужудга келтирилган. Америка самолётларининг Вьетнамга қилаётган кўпчилик ҳужумларида Таиланд территориясидаги аэродромлардан учган самолётлар кўплаб қатнашмоқда. Ҳозир Американинг бомбардимончи «Б-52» стратегик самолётлари Саттахипдаги Утапао ҳарбий-ҳаво базасига юборилмоқда. Америка ҳарбий қўмондонлигининг айтишига қараганда, бу самолётлар Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли яшаб турган ва саноат корхоналари жойлашган ерларига ҳужумлар қиладжак. Яна бунинг устига Таиланд ҳукумати Таиланд қуролли кучлари бўлинмасини Жанубий Вьетнамга юбориш ниятида эканлигини расмий равишда эълон қилди.

Шундай қилиб, Таиланд ҳукумати ўз мамлакатининг хавфсизлиги манфаатларига хилоф равишда Таиландни Америка империалистларининг Вьетнамга қарши олиб бораётган босқинчилик урушига тортмоқда.

Қўшни Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган жинояткорона урушда Таиланд биргаликда қатнашаётганлиги халқаро ҳуқуқнинг элементар нормаларини ҳамда Вьетнамга доир 1954 йилги Женева битимларини поймол қилишнинг ўзидир, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставини ва давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик тўғрисидаги декларацияни бузишдир.

Вьетнам Демократик Республикасининг Вьетнам халқига нисбатан, Таиландниг агрессив ҳаракатларига нисбатан шу йил 31 мартда билдирган қатъий норозилигини ва унинг Таиланд ҳукумати Қўшма Штатларнинг Вьетнамга осмондан ҳужум қилиш учун Таиланд территориясидан фойдаланишга ижозат беришни бас қилсин, ўзининг жанговар бўлинмаларини Жанубий Вьетнамга юборишдан воз кечсин ва у ердан Таиланд ҳарбий ходимларининг ҳаммасини олиб чиқиб кетсин, деган талабларини СССР ҳукумати тўла равишда қувватлайди.

Таиланд ҳукуматининг вьетнам халқига қарши қилаётган ҳаракатларини жуда қаттиқ қораламаслик мумкин эмас. Таиланд вьетнам халқига қарши агрессив урушда биргаликда қатнашаётганлиги учун Таиланд ҳукумати тўла равишда жавобгардир».

Матбуотда илгари эълон қилинганидек, Нью-Йоркда ва АҚШнинг бошқа шаҳарларида Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши намойишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Суратда: Нью-Йоркда ўтказилган митинг қатнашчилари.

Л. Ядрошников телефотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ГРЕЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

КАРЛОВИ ВАРИ, 24 апрель. (ТАСС). Греция Коммунистик партияси Грециядаги ҳарбий тўнтаришни кескин қоралайди ва грек халқини ҳарбий диктатурани тугатиш учун курашга кўтарилишга чақиради.

Кеча Карлови Варида ўтказилган матбуот конференциясида Греция Коммунистик партияси раҳбарлигининг ўқиб берилган баёнотида шундай дейилади. Матбуот конференциясида Коммунистик ва ишчи партияларнинг Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган конференциясида қатнашмоқ учун Карлови Варига келган Греция Компартияси Марказий Комитетининг раиси А. Грозос ва Греция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари З. Зографос билан П. Мавроматис иштирок этдилар.

Греция Компартиясининг раҳбарлари шуни кўрсатиб ўтишдики, мамлакатдаги ашаддий ўнг кучлар Америка империалистлари билан иттифоқ бўлиб, ҳарбий диктатура ўрнатишга киришдилар. Улар 1965 йил июлда ўтказилган тўнтаришда ҳам шу мақсадни, яъни халқнинг эркинлигини бостириш ва эксплуатация қилишни кучайтириш, Кипр проблемасини НАТО планларига мослаб ҳал қилиш, Вьетнамдаги жирканч урушга Грецияни тортиш мақсадини ўз олдиларига қўйган эдилар.

Грециянинг реакцион кучлари, дейилади баёнотда, сиёсий партияларга, демократик ташкилотларга ва матбуотга қарши оммавий репрессиялар ўтказмоқдалар, чунки улар халқнинг оммавий ҳаракатидан қўрқадилар, дейилади Баёнотда. Греция Компартияси мамлакатдаги аҳволни ўзгартирмоқ учун барча демократик ва прогрессив кучларни бирлаштиришга яна даъват қилади.

Грециядаги тўнтаришни Греция Компартияси Европада фашизм хавфининг янги манбаини вужудга келтиришга олиб келади, бу эса, жаҳоннинг шу қисмидаги аҳволни яна кескинлаштиради, деб ҳисоблайди.

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

КЎЗНИ ДАВОЛАШДА РЕВОЛЮЦИЯ

Филадельфиялик (АҚШ) кўз врачи Стефан Триндер кўзнинг нуқсонларини аниқлашнинг янги усулини топди. У традицион рақамли ва ҳарфли жадвал ўрнига эркаклар учун машҳур кино артисткаларнинг портретларини, аёллар учун эса модалар журналларининг энг охирги сонларидан қирқиб олинган суратларни қўлланишга қарор қилди. Триндернинг тасдиқлашича, унинг методи бемор кўзининг кўриш ё кўрмаслигини жуда ҳам аниқ белгилашда катта ёрдам берар эмиш.

«СЕРТАКАЛЛУФ МУОМАЛА»

Лондондаги қиммат ресторанларидан бирида метротель хўраки бўйнига боғлаб олган хўрандани кўриб қолди.

— Смит, анови каллаварамга хўракни бўйнига эмас, маданий кишилар каби тиззаларига ёйиб ўтириш кераклигини тушунтириб қўйинг, — деди у бош официантга. — Бироқ, зинҳор маданиятсизлик қила кўрманг.

Официант хўранда ўтирган стол ёнига келиб, такаллуф билан эгилди-да, шундай деди:

— Сизнинг соқолингизни олиб қўяйми, ё сочингизни, сэр?

НИШОНГА ТЕГМАГАН ИБОДАТ

Рим черковида ўтказилган ибодатлардан бири «Бойларнинг камбағаллар олдидаги масъулияти»га бағишланди. Ибодат тугагандан кейин қўшни черковнинг руҳонийси Рим черковининг руҳонийси олдига келиб «Қалай, ота, ибодатга келганларни ишонтира олдингизми?» деб сўрабди.

— Ярмини. Камбағалларни эса тўла ишонтирдим, — дебди руҳоний.

«МЕРГАН» ОВЧИ

Қирғовул овига тайёргарлик кўраётган инглиз оқсуякларидан бир группасига ўзини АҚШнинг бутун жанубида энг яхши мерган деб айюҳаннос солган бир меҳмон келиб қўшилди.

— Мана, кўрасиз, — мақтанарди у, — биринчи қирғовулнинёқ битта ўқ билан ер тишлатаман.

Америкадан келган меҳмон устидан бир қуш учиб ўтди-ю, ленин у отган ўқ... ўз таъсирини кўрсата олмади.

— Жентльменлар, — тантанавор мурожаат қилди кекса шотландиялик бошқа овчиларга қараб, — биз ажойибот гуворҳи бўлдик: биздан ўлик қирғовул ҳам қочиб кетяпти!

УШЛАНДИ

Нью-Йоркда яшайдиган Вэлли Молорни апельсин пўстлоғига сирғаниб кетиб метро перронидан рельсга йиқилди. Ҳамшаҳарларининг бундай пайтларда унча эътиборсиз бўлишларига кўникиб қолган Молорни ёнига икки эркак киши ёрдамга югуриб келаётганини кўриб жуда ҳам ҳайратда қолган эди. Бироқ, унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Қутқарувчилардан бири йиқилган кишини перронга олиб чиқаётиб, унинг соатини ечиб қочишга улгурди. Молорнининг катмонини олган иккинчи «ёрдамчи» эса оломон томонидан ушланди.

«БАҲОР» ҲИСОБ БЕРДИ

Кўзларни қамаштирувчи Марғилон хон атласи нозу-назокат билан хиром этаётган нозаниналар эгнида камалакдек тобланмоқда. Товуслек енгил учаётган раққосалар классик «Баёт» рақсини ижро этишмоқда. Улар қарсаклар садоси оғушида ширин табассум қилишади...

Республикада хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг Ҳиндистон, Покистон, Сингапур ҳамда Малайзия мамлакатлари бўйлаб қилган икки ярим ойлик гастроли ўтган куни Навоий номидаги Катта театр биносида якунланди.

Ўзбек рақс санъатининг энг яхши намуналарини ўзида мужассамлантирган ансамблининг ранг-баранг программаси томошабинларни ҳамда бу ерда ҳозир бўлган Германия Федератив Республикасидан келган меҳмонларни қойил қолдирди.

Раққосаларимиз классик рақс намуналарини ижро этишда алоҳида санъат, маҳоратга эга эканликларини яна бир марта намойиш этдилар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари, рақс санъатимизнинг юлдузи Мукаррама Турғунбоева ижросида талқин этилган «Мунажот», «Шўх жонона» каби рақслар томошабинлар қалбига алоҳида ҳузур, завқ-шавқ бағишлади. Ансамблнинг Бахтиёр Алиев раҳбарлигидаги соз соҳиблари ижро этган ҳар бир куй ва ялла концертга файзу оҳанг бахш этди.

Муборак айёмда юксак унвонга сазовор бўлган «Баҳор» ансамблининг гастроллари яна чет эллар бўйлаб давом этади. Улар келгуси ойда қўшни Афғонистонга қилинадиган ижодий сафарга қизғин тайёргарлик кўришни бошлаб юборишдилар.

Севимли ансамблимизнинг бу галги сафари ҳам юксак савияда ўтажагига ишончимиз комил.

Д. ҲАСАНОВ.

БОЛАЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўтган якшанба куни эрталаб Чилонзордаги Ю. Гагарин номли кўчада одатдан ташқари воқеа бўлиб ўтди. Бу ерда Тошкент шаҳар спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Советининг бирлашган «Коммуналник» физкультура коллективи томонидан доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кун шарафига катта болалар спорт байрами ўтказилди.

Спорт байрами мусобақаларида болалар машинаси, икки ва уч ғилдиракли болалар велосипедида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар беллашдилар. Мусобақаларда 3-4 ёшли қиз ва ўғил болалардан тортиб то 12 ёшлиларгача алоҳида мусофалар бўйича пойгада қатнашди. Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо мукофотлар, турли ўйинчоқлар тақдим этилди.

Суратда: Спорт байрамининг очилиш пайти.

Р. Альбеков фотоси.

«ПАХТАКОР» БЎШ КЕЛМАС...

Футбол

Белоруссиянинг «Динамо» футболчилари бу гал ҳам бўш келишмади. Нева бўйидан келган «Зенит» командаси дарвозасига учта жавобсиз тўп киритиб, тўплар нисбати жиҳатидан пешқадамликни эгаллаб олдилар.

Пойтахтнинг икки командаси — «Торпедо» — «Локомотив» учрашуви биринчисининг ғалабаси (2:0) билан тугади. Икки учрашувда ҳисоб очилмади. «Крылья Советов» ва ЦСКА ҳамда «Черноморец» — «Динамо» (Киев) учрашувларида футбол ишқибозлари дарвозага битта ҳам тўп киритилмаганлигининг гувоҳи бўлдилар. Мамлакат чемпиони киевлик динамочилар бир маглубият ва икки дуранг дан кейин пешқадамлар сафини ташлаб чиқиб кетдилар. Бокуда «Нефтяник» «Арарат» дарвозасига битта тўп киритиб 2 очко олди. Ростовлик армянчилар ўз майдонларида ана шундай ҳисоб билан Донецк шаҳрининг кўмирчиларига ютқазиб қўйишди. Грузиянинг икки командаси «Торпедо» ва «Динамо» учрашуви «тинчлик» билан ҳал (1:1) бўлди.

КОМАНДАЛАР	У.	Т.	О.
1. «Динамо» Мн.	5	9—3	7
2. «Динамо» М.	4	7—2	7
3. «Пахтакор»	5	6—2	7
4. «Шахтёр»	5	6—5	7
5. ЦСКА	5	5—3	6
6. СКА Р.	5	4—3	6
7. «Динамо» К.	5	4—3	6
8. «Торпедо» М.	4	3—1	5
9. «Нефтяник»	5	5—4	5
10. «Заря»	4	2—1	5
11. «Динамо» Тб.	5	4—4	5
12. «Торпедо» КТ.	5	3—4	5
13. «Кр. Советов»	5	0—1	4
14. «Арарат»	5	2—4	3
15. «Қайрат»	5	3—6	3
16. «Черноморец»	5	3—8	3
17. «Спартак»	4	1—3	2
18. «Локомотив»	4	2—5	2
19. «Зенит»	5	3—10	2

БИРИНЧИ МАРТА

Дам олиш куни марказий «Пахтакор» стадиони мавсумда биринчи марта томошабинлар билан лиқ тўлди. «Пахтакор» — «Қайрат» учрашуви доимо шиддатли ва кескин ўтишини билган олмаоталик ҳамда чимкентлик ишқибозлар ҳам бу учрашувни томоша қилиш учун келдилар. Қўшни Сариоғоч, Кўктерак поселкаларидан, Сирдарё областининг Киров, Жеттисой, Пахтаорол районларидан келган чўлқувар ишқибозлар оз дейсизми! Ҳамма-ҳаммаси стадионга ошиқар эди.

Олдиндан айтиб қўяқолайлик. «Пахтакор» ўз ҳисобига яна икки очко ёзиб пешқадамлар сафига чиқди.

ТЎПЛАРНИ КИМ КИРИТДИ

Бу йилги мавсумда ўзини, яқиндан иқ ҳам юлдуздек, кўрсатаётган ҳужумчимиз Бектошев командалар ўзаро дарвоза алмашганларидан сўнг 4 минут ўтмасданоқ ҳисобни очди. Бу сафар ҳам худди Минскнинг «Динамо» командаси билан бўлган учрашувдаги вазият такрорланди: ҳозир бомбардирлар рўйхатида турган Абдураимов зарб билан тепган штраф тўпини дарвозабон қайтаргач, Бектошев уни қайтадан дарвозага йўналтирди. Энди у ҳам бомбардирлар рўйхатидан жой беришни даъво қилмоқда. Хўш иккинчи тўпни ким киритди? Ўзининг ажойиб финтлари билан рақиб ҳимоячиларини доғда қолдирадиган Абдураимовми ёки тўп билан олга интилганда ҳамманинг ҳушини учириб юборадиган таран типидаги ҳужумчи Красницкийми? Йўқ, ўйининг 78-минутида электр таблоса ярим ҳимоячи Солохонинг фамилияси пайдо бўлди. Бизнинг, «тўп киритмадиларинг» деб, улардан аразлашга ҳаққимиз борми, энди! Ишқибозлар улардан хафа эмас. Юқорида айтганимиздек, бу тўпларнинг «пишиб етилиши»да Абдураимов муносиб ҳисса қўшди. Красницкийнинг штраф тўпларини дарвоза томон пастлатиб, моҳирона йўналтиришини, командининг капитани ва диспетчери сифатида кенг қўламда ўйнашини ҳамма ишқибозлар ўз кўзлари билан кўрдилар. Ҳа, футбол коллектив ўйин, гарчи тўпларнинг автори икки ўйинчи бўлса ҳам, ғалаба музикасини бутун ансамбль чалади.

«ҚАЙРАТ»ГА НИМА БЎЛДИ

Қозогистонлик футболчилар ўзларининг иродаликлари, ажойиб ўйинлари билан айниқса ўз майдонларида чинордек мустаҳкам туришлари билан донг таратганликлари ҳаммага маълум. Ўтган мавсумда ўнта мукофотдан бирига (ўйин олдида ютказиб туриб, кейин ютганлик учун берилади ган мукофотга) олмаоталиклар муяссар бўлганлиги ишқибозларга маълум. Негадир улар бу йилги мавсумни яхши бошламадилар. Ўз майдонларида ЦСКА, «Зенит» командаларига ютқазганлари ёддан чиқмасдан, Тошкентда учинчи маглубиятга учрадилар. Тўғри, команда кучсизланган составда ўйнамоқда. Командининг юлдузлари: дарвозабонлар Лисицин, Косенков, моҳир ҳимоячи Степанов, ҳужумчи Квочкинлар майдонда кўринмай қолишди. Лекин бу вазият командининг кетма-кет маглубиятга учраётганини оқлай олмайди. Табиий, яқинда спорт мастери унвонини олган Ворончихин, Волохлар команда учун нима қила олдилар, деган савол туғилади.

Ғалаба учун фақат моҳир ўйинчиларгина эмас, балки ҳамжиҳатлик, иқ ирода керак. Бир ого орқага чекиниб бўлса ҳам. «Бойчечак» мусобақаларининг Тбилиси шаҳрида ўтказилган финал ўйинини ишқибозларга эслатмоқчимиз. Москвалик динамочилар, асосий ўйинчиларини Францияга жўнатиб, деярли дублёрлар составида майдонга чиққан бўлсалар ҳам, Кутаисининг «Торпедо» командаси устидан ғалаба қозониб, совринни Москвага олиб кетган эдилар, Ваҳолонки, ўйин олдидан энг тажрибали обзорчилар ҳам ён дафтарларига, «Динамо» маглубиятга учрайди», деб ёзиб қўйган эдилар.

БУ ЙИЛ КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ

Чемпионатнинг бешинчи тури ҳам ўтди. Биринчи стартдаги англашилмовчиликлар орқада қолди. Ишқибозларнинг ҳаяжонлари ҳам бир оз тинчиди. «Пешқадамлар» ва «аутсайдерлар» аниқланиб бормоқда. Ҳозирчалик турнирнинг оқими бултургига нисбатан ўз йўлини ўзгартирди. Ҳали жуда кўп ўзгаришлар бўлса ҳам, ҳозирчалик пешқадамлар қаторида бултурги олтин, кумуш ва бронза медалини олган командалар соҳа қолиб кетди. Бултур биринчи даврада ютказиш нималигини билмаган мамлакат чемпиони бу йил тўртинчи турдаёқ маглубиятга учради. Тағин, ўз майдонида москвалик клубдошларидан енгилди. Кам тўп ўтказишда шуҳрат қозонган дарвозабон Рудаковнинг бир ўйиндаёқ 3 тўп ўтказиб юборганлиги қизиқ. Ҳозир динамочилар 4 очко йўқотдилар. Бу муваффақиятсизлик киевлик динамочиларнинг «Бойчечак»мусобақаларида қатнашишдан бўйин товлаганликларининг натижаси эмасмикин, деган шубҳалар ҳам тарқалиб қолди. Хўш қумуш медалнинг кавалери—ростовлик армячиларга нима бўлди? Ўз майдонида «Шахтёр»дан қалтак ейиш. Бу муаммолар ишқибозлар бошини қотирмоқда. Хуллас, ҳозир бирор нарса дейиш қийин. Яхшиси, «жўжани кузда саноймиз» деб қўя қолайлик.

В. МАҲКАМОВ,
А. МАЪЗУМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг футбол обзорчилари.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИНИНГ ЧАҚИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар ва район Советлари депутатларига маълум қиладини, Тошкент шаҳар Советининг 50 йиллигига бағишланган юбилей сессияси 1967 йил 26 апрель соат 14-00 да Свердлов концерт залида очилади.

Депутатларни рўйхатга олиш мазкур бинода 26 апрель кундузи соат 13 дан бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

БИЛДИРИШ

Шу йил 26 апрель куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг катта мажлис залида Ўзбекистон кинематографчиларининг II съезди очилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Симфоник рақслар, 9.45 — Янги канал (тож.), 10.10 — Латин Америкаси мамлакатлари куйлари, 10.30 — Концерт, 11.25 — Қўшиқлар, 12.15 — Спорт, 12.30 — Куйлар, 13.30 — Товуш ва гитара учун романслар ва қўшиқлар, 16.10 — «Композитор Соловьев-Седой (туғилган кунининг 60 йиллиги), 18.10 — Юсуфжон Ҳамдам шеърлари, 18.30 — Концерт (республика кекса ижрочилари), 19.20 — Қорақалпоқ куйлари, 20.00 — «Ўзбекистон қурилишларида» (рус.), 20.45 — «Пахтакор» маҳалласидан янги ғалаба ҳақида репортаж, 21.25 — Концерт ва эшиттириш (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Қўшиқлар, 22.40 — Зулфиянинг янги шеърлар тўплами ҳақида (рус.), 23.20 — Классик куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшитиришлар программаси, 18.00 — Шон-шуҳрат клуби (мактаб ўқувчилари учун).

Рус тилида: 18.40 — Телевизион янгиликлар, 18.50 — Қутқарилган болалик («Октябрь» программаси), 19.15 — Ўзбекистон кинематографчиларининг иккинчи съезди олдидан.

Ўзбек тилида: 20.10 — Бадиий ҳаваскорлар фестивали 3. Фатҳуллин. Ғунчалар (Самарқанд область Ургут халқ театрининг спектакли), танаффус вақтида телеянгиликлар, 22.40 — Телевизион бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшитиришлар программаси, 18.00 — Қуёшли Адреатика (ҳужжатли фильм), 18.20 — Олий математика (сиртдан ўқиётган студентлар учун ўқув программа), 19.05 — Тошкент консерваториясига 30 йил (рус тилида).

21.00 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/IV да Спартак.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25 /IV да Сўнгги нусхалар, 26/IV да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/IV да Концерт.

КИНО

Ғулбарс кўрфази — «ЎЗБЕКИСТОН», «ФЕСТИВАЛЬ», «МИР», (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси ёдимда, Ричард — «ДРУЖБА» (2-залда), С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Уни яхши билар эдим — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Унутма, Лугова станцияси — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11 да, кундуз соат 1 ва 3 да).

Жаноби олий офицерлари — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун, 1-залда), «СПУТНИК» (кеч соат 8 да).

Диққат, шаҳарда сеҳргар—(эрталаб соат 10 да), Уруш ва тинчлик (кундуз 12 ва 3 да, кеч 6 ва 9 да) — «ЧАЙКА»).

Кеча, бугун, эртага — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кавказ асираси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА бугун

янги программа

Москва цирки артистларининг гастроли ва Ҳиндистон филлари аттракционининг давоми.

Ҳиндистон филларини ўргатувчи — Анатолий Корнилов. Артист Бирюков иштирок этади.

Томоша якшанба куни 3 марта — кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда, бошқа кунларда кеч 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Н. К. КРУПСКАЯ НОМЛИ ТОШКЕНТ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ БИЛИМ ЮРТИ

1967-1968 ўқув йили учун музика-педагогика бўлимига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Музика-педагогика бўлими мактабгача муассасалар учун музика педагогларини тайёрлайди.

Умумий таълимининг 8 синфини, музика мактабининг 7-8 синфини тамомлаган хотин-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йилу 6 ой.

Аризалар 16 майдан 2 июлгача кабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 5 июлдан: фортепьяно, сольфежио ва музика билими, она тили (ёзма-диктант).

Ўзбек группаларига 4, 5, 6, 7-музика синфидаги маҳаллий миллат кишилари қабул қилинади.

Қабул қилинганлар стипендия, бепул овқат ва ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-66, Олмазор кўчаси, 174-уй, телефон 4-14-31, шунингдек Муқимий кўчаси, 176-уй (9, 11, 15-трамвайларнинг «Оқтепа» остановкаси).

Савдо ходимлари иш унумдорлигини ошириш ва савдо маданиятини яхшилаш имкониятини берадиган оддий механизм-мослама, мавжуд жиҳоз ва инвентарларни такомиллаштириш ва янгиларини кашф этиш мақсадида БУТУНИТТИФОҚ ДАВЛАТ «СОЮЗИНВЕНТАРЬ» КОНТОРАСИ 15 июлга қадар

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИ ЎТКАЗАДИ

Унда янги савдо инвентари ва мосламаларини такомиллаштириш ва кашф этиш («Союзинвентарь» конторасининг намойиш зали биноси — Москва шаҳри, Вернадский проспекти, 33-уй) кўзда тутилади.

Конкурс 15 июлдан 1 августга қадар якунланади. Янги кашфиётлар ва савдо жиҳозлари ҳамда инвентарларини такомиллаштирилганлиги учун қуйидагича мукофот белгиланади:

Ҳар бири 5 юз сўмдан бешта биринчи даражали диплом; ҳар бири 300 сўмдан ўнта иккинчи даражали диплом;

ҳар бири 100 сўмлик мукофот билан 40 фахрий ёрлиқ;

ҳар бири 50 сўмдан ўнта рағбатлантирувчи мукофот.

Конкурснинг мақсади кенг даирадаги мутахассислар ва амалий савдо, умумий овқатланиш ходимларини янги инвентарь, жиҳоз; савдо тележкалари ва киоскалар кашф этиш, оддий механизм ва мосламалар тайёрлаш, шу йўл билан савдо ходимларининг иш унумдорлиги ҳамда иш шароитини яхшилаш, харидорларга маданий хизмат қилишни таъминлаш, магазин, омбор, умумий овқатланиш муассасаларини жиҳозлаш ҳаражатини қамайтириш ва бу муассасаларда технологик процессларни яхшилашга сафарбар этишдан иборат.

Оммавий инвентарь ва механизациялашмаган жиҳозларни бундан буён такомиллаштириш. озиқ-овқат, нон, сабзавот магазинлари ҳамда умумий овқатланиш муассасаларида ўзига-ўзи хизмат қилишни яхшилаш, анча муваффақиятли асбоб ва мосламалар кашф этиш, рационализатор ва ихтирочиларнинг кашфиётларидан фойдаланиш конкурснинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Конкурсда саноат корхоналари, савдо, умумий овқатланиш муассасалари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш муассасалари коллективлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан бирга якка шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Конкурсга тавсия қилинадиган савдо инвентари ёки жиҳозининг намунаси содда, ишлатишлиш қулай, бежирим бўлиши, арзон материаллардан тайёрланиши, шундай мосламаларга нисбатан унумдор бўлиши, савдо ташкилотларидаги технологик процесслар ҳамда санитария-гигиена нормаларининг талабига тўла жавоб бериши керак.

Нон, картошка, сабзавот ва мевалар сотишга мўлжалланган мосламалар бундай маҳсулотларни жўнатадиган базаларда юк ортишни ва туширишни осонлаштириши, маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга олмай сотиш имкониятини бериши керак. Киоскалар савдо аравачалари, жиҳозлар ўзимизда ишлаб чиқариладиган буюмлардан тайёрланиши керак.

Конкурсга фақат тайёр буюмлар қабул қилинади. Уни комплекс ҳал қилиш зарур бўлса, бутун комплекс ҳамда уни тайёрлашдаги асосий узел намуналари тақдим этилиши лозим. Конкурсга юборилган намуналарга унинг чертёжлари ёки асосий узелларнинг кўриниш ҳамда конструкцияси эскизлари билан уни исботлайдиган расчёт ва илова хатлари бўлиши керак.

Намуналар ва унга илова қилинган хатлар «Союзинвентарь» конторасининг намойиш зали адресига юборилсин.

Рационализаторлик таклифларини ҳисобга олиш учун унга илова қилинган хат, «Союзинвентарь» базасининг Ўзбекистондаги республикаларо базаси номига, Тошкент шаҳар, граммпластинкалар кўчаси 40-уйга юборилиши керак.

Бизнинг телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия гурмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33256. Кишлоқ хўжалик—В37604 Адабиёт ва санъат — В32036. В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38029. В33533 Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 97. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 05335.